Илм—ўзни билмакдир

МАЪРИФАТ

MARIFAT

معرفت

Халқ зиёлилари газетаси | 1931 йилдан чиқа бошлаган | 1994 йил 30 март, чоршанба | № 18 (6605). Баҳоси сотувда эркин нархда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом КАРИМОВга

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси умумий мажлиси Сизнинг академиянинг ҳақиқий аъзоси этиб сайланганингиздан ғоят мамнунлигини изҳор этади.

Сиз атоқли иқтисодчи олим, давлат арбоби сифатида мустақил Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ва маънавий тараққиёти назарий асосларини ишлаб чиқишга ва турмушга татбиқ этишга улкан ҳисса қўшмоқдасиз.

Ўзбекистоннинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда бозор муносабатларига ўтиш, иқтисодиётнинг сиёсатдан устунлиги, ислоҳотларнинг босқичма-босқич амалга оширилиши, фуқароларни ижтимоий ҳимоялаш борасидаги Сизнинг концепциянгиз иқтисод фанига қўшилган улкан ҳисса бўлиб, жаҳон жамоатчилиги бунга ҳаққоний равишда юксак баҳо берди.

Сизнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли», «Ўзбекистон: Бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли», «Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг устивор йўналишлари» ва бошқа асарларингиз иқтисод фани муаммоларига ижодий, янгича ёндашиш намунасидир. Шу боис мазкур асарлар кўплаб хорижий тилларга таржима қилинди ва қилинмоқда.

Бу китобларда асослаб берилган фундаментал ғоялар миллионлаб кишилар фаолиятида дастуриламал, мустақил тараққиёт назарий асосларини яратишда илмий мактаб бўлиб хизмат қилади. Сиз иқтисод фанидаги энг янги йўналишларнинг асосчиси сифатида ҳаққоний тарзда шуҳрат қозондингиз.

Буларнинг барчаси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси аъзоларининг 1994 йил 24 март куни бўлиб ўтган умумий мажлисида Сизни якдиллик билан иқтисодиёт ихтисоси бўйича академиянинг ҳақиқий аъзоси этиб сайлашга асос бўлди.

Сизнинг Фанлар академияси ҳақиқий аъзоси этиб сайланишингиз, шак-шубҳасиз, мамлакатимиз фанининг янада тараққий этишига хизмат қилишига ишончимиз комил.

Азиз Ислом Абдуғаниевич, Сизга мустаҳкам саломатлик, Ўзбекистонни жаҳондаги ривожланган мамлакатлар қаторидан ўрин олиши йўлидаги кўп қиррали фаолиятингизда омад ва зафарлар тилаймиз.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг умумий мажлиси.

ЛОНДОНГА ЖЎНАБ КЕТИШДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг ўтган йили Буюк Британия, Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллигига қилган расмий-амалий сафари чоғида кўплаб масалалар қатори икки мамлакатнинг истиқболдаги дўстона муносабатларини ривожлантиришга мўлжалланган битимларни амалга ошириш каби муҳим масалага ҳам келишиб олинганди. Ана шу битимга асосан ҳар икки давлатнинг халқ таълими тизимлари ҳамкорлик қилиш, шунингдек, инглиз, ўзбек халқининг буюк маданиятини ўрганиш, ўрта мактаб, олий ўқув юртларининг талабаларига мўлжалланган дарсликлар ва дастурлар яратиш мақсадида йил бошидаёқ вазирликлар ўзаро аҳдлашишганди.

Мазкур битимнинг биринчи босқичини амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон олий ўқув юртлари ва мактаблар, жумладан, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Ўзбекистон давлат халқаро иқтисодиёт ва дипломатия университети, Андижон давлат педагогика институти, Фарғона давлат университети, Гулистон давлат университети ҳамда Тошкент шаҳридаги мактабларнинг бир гуруҳ ўқитувчиларидан иборат дарсликлар муаллифлари, Лондонга жўнаб кетишди. Улар Англиянинг машҳур Рединг университетида, мактаб ва бошқа билим масканларида бўлишиб, тажрибалар алмашадилар, инглиз тили бўйича замонавий дарсликларнинг тузилиши билан, етакчи мутахассислар билан танишадилар.

Буюк Британияга бўладиган сафар олдидан дарслик муаллифларини Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазири, академик О. Салимов қабул қилиб, уларга муваффақиятлар тилади.

Мухбиримиз.

БИЛДИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси адабиёт дарсликларига асарлари кирган адиблар туркумидаги навбатдаги учрашувни ўтказади. Бу галги очиқ мулоқот Ўзбекистон Халқ ёзувчиси Санд Аҳмад билан бўлиб ўтади.

Учрашув шу йил 4 апрель куни эрталаб соат 10.00 да Республика Ўқитувчилар уйи (Ўзбекистон кўчаси, 80-уй)нинг мажлислар залида бўлади.

Очиқ мулоқотга Тошкент шаҳри мактабларининг тил ва адабиёт ўқитувчилари, барча қизиққан ўртоқлар таклиф қилинади.

Ўзбекистондаги иқтидорли болаларнинг III республика слёти

БИЛИМНИ УЛУҒ, ЎҚУВНИ БУЮК БИЛ!

Бу икки нарса инсонни улуғлайди. Буюк мутафаккир ва шоир Юсуф Хос Ҳожибнинг ана шу ҳикмати анжуман давомида Ўзбекистон иқтидорли ўқувчилари III республика слёти иштирокчилари шиорига айланди. Улуғ бобомизнинг ушбу ҳикматини ёруғ йўл билиб, уни қалбларига жо айлаган ўқувчилар 23—25 март кунлари Республика ўқувчилар саройида, Нафис санъат мактабида экология, техник ижодкорлик, бадиий ҳаваскорлик, ўлкашунослик соҳалари бўйича ўз иқтидорларини намойиш этдилар. Улар дастлаб шўъбаларга бўлинган ҳолда тадбиркорлик, миллий халқ ҳунармандчилиги, ихтирочилик, бошланғич техник моделлаштириш, экология, ўсимликшунослик, инсон ва табиат, биология, тасвирий ва амалий санъат мавзулари бўйича уй ишларини ҳимоя қилишди, тест саволларига жавоб қайтаришди.

Ҳакамлар ҳайъати аъзолари слёт қатнашчиларининг фикрларини асосли баён этиш маҳоратига, билимдонлиги ва зукколигига — назарий билимига, мустақил фикрлай олишига, жавобларнинг тезкорлигига, чет тилининг нечоғли ўзлаштиришига алоҳида эътибор бердилар.

Биз ҳам шўъбаларда бўлиб, истеъдодли болаларнинг ихтиро ва кашфиётчилик, санъат, маҳорат бобидаги иқтидорларини кузатдик. Сирасини айтганда, Қорақалпоғистон Республикаси Амударё туманига қарашли Ал-Хоразмий номидаги 37-ўрта мактаб 11-синф ўқувчиси Роҳатой Матқурбонованинг санъатшунослик, Тошкент шаҳридаги 166-мактаб 5-синф ўқувчиси Армон Каримовнинг робототехника, Жиззах шаҳар 22-гимназия мактаби 10-синф ўқувчиси Озода Ҳайдарованинг ишбилармонлик, Навоий вилояти Қизилтепа туманига қарашли Ҳ. Олимжон номидаги 29-ўрта мактаб 11-синф ўқувчиси Хуршид Шарофовнинг амалий санъат, Хоразм вилояти Қўшкўпир туманидаги 11-мактаб 11-синф ўқувчиси Баҳром Пиржоновнинг ижрочилик, Бухоро вилояти Бухоро туманидаги 7-мактабнинг 4-синф ўқувчиси Эркинжон Исмоилловнинг қўшиқчилик соҳаларидаги маҳоратлари уларнинг ёркин истеъдод эгалари эканлигини намоён этди. Айниқса, слётнинг энг ёш иштирокчиси Бухоро шаҳридаги 6-мактабнинг 1-«А» синф ўқувчиси Ҳадиябону Шомансур қизи ўзининг «Эй, одамлар!», «Тушимда», «Тилак», «Ёш боламан» каби шеърларини ўқиб, томошабинларнинг меҳрига сазовор бўлди.

Истеъдод, гарчи ҳар кишига тааллуқли эрса-да, у халқнинг мулки, онданинг, жамиятнинг кўрки. Шунга кўра, истеъдодли болаларнинг III республика слёти ғолиблари учун «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси 16 та шахсий стипендия, ижодкор ёшларнинг «Истеъдод» республика жамғармаси 20 нафар ўқувчига рағбатлантирувчи пул мукофоти, республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси шунча ўқувчига ўз жамғармаларидан пул мукофоти ажратдилар. Анжуманда совринли ўринни эгаллаган ўқувчиларга қатор қўмита, ташкилот, жамият ва муассасалар вакиллари ҳам қимматбаҳо ва эсдалик совғаларини тақдим этишди.

Анжуман якунида Ўзбекистон халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев слётда энг юқори ўрин олган ўқувчиларни қабул қилди. Ғолиб ўқувчиларни чин дилдан қутлаб, ёшлар олдида турган вазифалар, мустақил давлат келажаги асослари, Халқ таълими вазирлигида истеъдодлиларни аниқлаш борасида амалга оширилаётган тадбирлар моҳияти, шунингдек, Япония таълимидаги муҳим жиҳатлар хусусида сўзлади. Шундан кейин Жўра Йўлдошев ғолиб ўғил-қизлар кўксига эсдалик кўкрак нишонини тақиб қўйди.

«Бир пиёла чой устида»ги суҳбатда ўқувчилар анжуманда олган таассуротларини сўзлаб беришди. Республика раҳбарияти шаънига илиқ фикрлар билдиришиб, ўзларига берилган бундай эътибордан беҳад мамнун эканликларини изҳор этдилар. Қабул маросимида Ўзбекистон халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Йўлдош Саиджонов, мактабдан ва синфдан ташқари ишлар бошқармаси бошлиғи Марат Шафиев ва бошқалар қатнашдилар.

Учрашув баҳона слётни ўтказишга донр жўяли таклиф ва мулоҳазалар билдирилди. Ўқувчиларни қизиқтираётган саволларга қониқарли жавоб қайтарилди. Умуман олганда, уч кун мобайнида давом этган анжуманда, шўъбалардаги йиғилишларда мустақил юртда истеъдодга, илмга катта эътибор берилаётгани қайта-қайта таъкидлаб турилди. Зотан, илм равнақи — эл равнақидир.

Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ.



Суратларда: Анжуман очилишида Ўзбекистон халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев нутқ сўзлади. Фарғона тумани Аҳмад Ясавий номидаги 11-мактаб 11-синф ўқувчиси Нодира Қўшоқова, Тўрақўрғон туманидаги 4-мактаб 11-синф ўқувчиси Замира Абдукаримова ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Тахиатош шаҳар Герцен номидаги мактаб 11-синф ўқувчиси Зулфия Дўсбоевалар халқаро «Экосан» жамғармаси мукофотини олиш шарафига муяссар бўлишди. Шарқ миниатюраси тасвири бўйича Тошкент шаҳридаги 22-мактаб 7-«В» синф ўқувчиси Рихситилла Раҳмоновдан олдинга ўтадиғани топилмади. Вокал ва бастакорлар шўъбасида Хоразм вилояти Қўшкўпир туманидаги 11-мактаб 11-синф ўқувчиси Баҳром Пиржонов ва шу мактабнинг 9-синф ўқувчиси Ихтиёр Худойбергановлар «Гўрўғли» достонидан парча ижро этишяпти. Слётда Нукус шаҳар Бердақ номидаги 6-мактаб ўқувчиси Нодира Жуманиёзова ҳамда тўгарак раҳбари Клара Сейтимбетовалар гиламдўзлик бўйича ўз санъатларини намойиш қилишди.

Ҳаким СОЛИҲОВ олган суратлар.

МИЛЛИЙ ИМЛО МИНБАРИ

МУҲИМ ВА МАСЪУЛИЯТЛИ ВАЗИФА

Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш истиқбол аҳамиятига молик вазифадир. Ўзбекистон Халқ таълими вазирлигида маориф мутахассислари иштирокида бўлиб ўтган йиғилишда мутахассислар ўқувини ташкил этиш, боғча ва мактаблар, мактабдан ташқари муассасалар, олий ўқув юртлари, умуман, аҳолининг барча қатлами учун мўлжалланаётган ўқув режалари, дастурлар ва дарсликларни тузиш, бу ишларнинг моддий-таъминоти масалаларига оид аниқ таклиф ва мулоҳазалар билдирилди.

Йиғилишда Ўзбекистон халқ таълими вазири Ж. Йўлдошев лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этишнинг Давлат дастуридаги таълим тизимига тааллуқли муҳим ва масъулиятли вазифалар хусусида сўзлади.

ЯНГИЛАНИШ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Республика ўқув-методика маркази, Сирдарё вилояти халқ таълими бошқармаси, вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш институти, Гулистон давлат университети ҳамкорликда «Она тили ва адабиёт таълими янгиланиш йўлида» мавзуида семинар-кенгаш ўтказдилар. Унда вилоят мактабларининг илғор, тажрибали муаллимлари, методистлар, тилшунос ва адабиётшунос олимлар, дарслик муаллифлари иштирок этдилар.

Семинар-кенгашни Гулистон давлат университети проректори профессор А. Каттабеков олиб борди.

ДАВЛАТ ТИЛИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН АМАЛДА

Вилоят ҳокимининг муовини Ҳамроқул Ризо давлат тили ҳақидаги Қонуннинг бажарилиши, вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи С. Ғуломова, мактабларда она тили ва адабиёт таълимининг аҳволи, бу соҳадаги вазифалар, РЎММ ўзбек тили ва адабиёти бўлими мудири Б. Қурбонбоев «Ўзбекистон истиқлоли ва она тили, ўқув-методик адабиётларнинг янгиланиши», Бухоро давлат университети профессори, филология фанлари доктори, профессор А. Ғуломов «Она тили таълимини янгилаш тамойиллари», 7 ва 8-синф «Ўзбек адабиёти» дарслик мажмуаларининг муаллифлари, доцентлар Қ. Йўлдошев, В. Раҳмоновлар янги дарсликлардаги ўзига хос хусусиятлар, мактабда мумтоз адабиёт намуналарини ўрганиш масалалари ҳақида фикр-мулоҳаза билдирдилар.

Семинар-кенгаш қатнашчилари шу куни шаҳардаги 9-ўрта мактаб таълим-тарбия ишлари билан танишдилар.

Бундай ижодий учрашув, ошкора мулоқотлар бошқа вилоятларда ҳам ўтказилиши кўзда тутилмоқда.

М. АБДУРАИМОВА, РЎММ бош методисти, педагогика фанлари номзоди.

Ўқитувчи муаммо қўяди

УЧ МУЛОҲАЗА

Бир неча йилдан бери Ғиждувон туманидаги 16-ўрта мактабда тарих, инсон ва жамият, ҳуқуқ асослари фанидан дарс ўтаяпмиз. Дарс жараёнида турли муаммо, қийинчиликларга дуч келдик ва келаяпмиз. Шу боис ўз мулоҳазаларимизни газета орқали айтишга жазм қилдик.

Маълумки, рус тили ва адабиёти, чет тили, ўзбек тили ва адабиёти, меҳнат таълими, жисмоний тарбия каби дарсларнинг ўқитилишида, ҳафталик соатларда, дарслик қўлланмаларида катта ўзгаришлар юз бермоқда. Яъни бу фанлар учун дастур, қўлланма, дарслик тез-тез ўзгариб турибди.

Умуман, янгиликлар кўп. Масалан, болаларимиз ишёқмас, дангаса бўлаяпти деб, меҳнат таълими дарс соатлари ортди, ўқувчиларимиз чет тилларни кўпроқ ўқисин деб, бу фаннинг ҳам дарс соатлари оширилди. Ўзбек тилига давлат мақоми берилганлиги боис табиий равишда ўзбек тили ва адабиёти дарслари миқдори кўпайди. Болаларимиз одобсиз бўлиб кетди, деб ўқув жараёнига одобнома дарслари киритилди. Ўқувчилар орасида жиноятчилик кўпайди, деб ҳуқуқшунослик дарслари ҳам ўқиш жараёнидан жой олди.

Хуллас, ҳуқуқий тарбия, экологик тарбия ва бошқалар мактабда ўргатиладиган бўлди-ю, юқори синфларда ҳафталик дарс 40 соатдан ошиб кетди. Болаларга қўлбет ювишу саломлашишгача, юриш-туришу муомалагача — ҳамма-ҳаммасини ўргатиш мактаблар зиммасига юклатилди. Ҳа, бизда жуда кўп фанлар ўқитиляпти. Бизни безовта қилган нарса дарс соатларининг кўпайиши юзакичиликка олиб келаётир.

5-синфларда ҳафтасига 3—4 соат дарс ўтилмоқда. Умуман, юқори синф ўқувчилари ҳар куни 7 соат дарс ўқимоқдалар. Бу ўқувчиларни толиқтириб қўймоқда, мактабдан совиш ҳоллари ҳам йўқ, дея олмаймиз. Айни пайтда уларнинг соғлиғига ҳам зиён етаётир. Шу боисдан дастур ва режадаги дарс соатларини кўриб чиқиб, 5—8-синфларда ҳафтасига 20—24 соатга, 9—11-синфларда эса 26—30 соатга келтирилса, яхши бўларди.

Шу нарса ҳам маълумки, севимли диёримиз — Ўзбекистон мустақил бўлганлиги туфайли ҳар бир ўқувчига ўз ўлкаси, эл-юрти, турмуши, маданияти, халқи, тили, миллатининг келиб чиқиши ва жамият тараққиёти тарихини қандай бўлса, шундайлигича ўрганиш учун катта имконият ва шароит яратилди. Шу жумладан, ўтмишда она-Ватан учун, унинг табаррук тупроғи, халқ тинчлиги ва бахт-саодати учун қайғуриб, меҳрибон ва жасур инсонлар, буюк шахслар ҳаётини, олижаноб фазилатларини изчил ўрганишга, уларни ёшларга намуна қилиб кўрсатишга кенг йўл очилди. Бу тафсилотларни ўқувчиларга етказиш муаллим ва устозлар зиммасидадир. Лекин Ватан тарихи учун ёзилган ҳозирги дастурлар юзаки, мавҳум ва дарс соатлари эса кам. Масалан, 5-синфларда Ўзбекистон тарихи дастури 6—7-синфлар билан бир хил тузилган. Шу билан бирга дастурдаги 20 соатлик дарс мавзулари бирорта ҳам дарсликда йўқ. Натижада биз ўқитувчилар бу мавзуларни ўтишда жуда-жуда қийналаяпмиз. 5—6—7-синфлар учун ўқув режаси бору дарслик йўқ. Ўзбекистон халқлари тарихидан бирорта ҳам харита, жадвал, расмлар, умуман кўргазмалар ҳануз-гача мавжуд эмас.

Биз — Ғиждувон тумани тарихчиларининг фикрича 5—11-синфлардаги «Қадимги дунё тарихи», «Ўрта асрлар тарихи», «Янги тарих», «Энг янги тарих» фанлари ҳамда барча синфлардаги СССР тарихи фанлари дастур, режалари қисқартирилиб, уларнинг ўрнига Ўзбекистон халқлари тарихининг ибтидоий жамоа тарихи, қулдорлик тузуми давридаги Ўрта Осиё ва Ўзбекистон ҳақидаги мавзулар дарслик қилиб, дарс жадвалига киритилиши яхшидир. Бу ўринда Ўзбекистон халқлари тарихига оид асрларга, даврларга қараб харита, рангли жадваллар тайёрланса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Шунингдек, бизнинг Бухоро вилоятида ҳам ўқитувчилар малакасини ошириш институти бор. Бироқ бу ерда ўқитиладиган фанлар, лекциялар кўп йиллардан буён ўзгартирилмайди. Бундан ташқари, институт курсларига маъруза қилиш учун ва таянч мактаблардан чақирилган кўпгина муаллимларнинг маъруза ва дарслари 20 йил аввалги материаллар, десак ҳам хато бўлмайди. Биз бу билан кимларнидир обрўсизлантириш фикридан йироқмиз. Ниятимиз — давр ўзгаришларидан орқада қолиб кетмайлик!

А. НИЗОМОВ, Ғиждувон туманидаги 16-ўрта мактабининг биринчи тоифали тарих ўқитувчиси, Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси.

А. МАДАТОВ, шу мактабнинг тарих фани ўқитувчиси.

Таълим ва ислоҳот

ИЛМ-ИСТИҚЛОЛ ЧАРОҒИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти девони фан, таълим ва ижтимоий муаммолар масалалари етакчи консультанти Исломжон ТУРСУНОВ билан суҳбат.

- Илму фан кимга хизмат қилади?
- Фанни аниқ мақсадлар сари йўналтириш, режага солиш мумкинми?
- Таълим ва ҳаёт... Қай бири олдинда?
- Таълим тақдири кимнинг қўлида?
- Таълим тизимида ислоҳот. Давлат ва жаҳон стандартига йўл.
- Тест усулини такомиллаштириш зарурати ва йўллари.

— Ҳар қандай соҳанинг у ёки бу даражада муваффақияти моддий таъминот билан боғлиқ. Хусусан, илм-фан, асосан, давлат маблағидан таъминланадиган соҳа. Собиқ Иттифоқ тарқаб кетганидан сўнг мустақил Ўзбекистон таълими, илм-фан ривожига, қолаверса, моддий таъминотига путур етгани йўқми?

— Фикрингиз тўғри, илмий тадқиқотларнинг асосий қисми давлат хазинасидан, мақсадга мувофиқ, истиқболни мўлжаллаб белгиланадиган ажратмалар ҳисобига таъминланади.

Мен ҳозир илму фан тараққиётига аввал шунча, энди эса мана бунча маблағ ажратилаяпти, деб рақамлар келтирмоқчи эмасман. Чунки «рубл»нинг кейинги 2 йил давомидаги кескин қадрсизланиши бундай таҳлилда қийинчилик туғдиради. Тан олиш керакки, собиқ Иттифоқнинг парокандаликка юз тутиши билан бошқа соҳалардаги каби маълум қийинчиликлар фанда ҳам ўз асоратини кўрсатди. Аммо энг асосийси — у марказ тазйиқидан, ҳукмрон давлат манфаатлари йўлида кўр-кўрона хизмат қилишдек мутеликдан озод бўлди. Энди у мустақил мамлакатнинг фаровонлигини таъминлаш йўлида хизмат қилиши керак. Мана шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси фан ва техника давлат қўмитаси, Республика Фанлар академияси қаторида Ўзбекистон Қишлоқ хўжалик фанлар академияси, Тиббиёт фанлари академиясининг Марказий Осиё бўлими, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси каби фаннинг ривожига мутасадди бўлган идоралар таъсис этилди.

Мамлакатимиз илму фанининг бу раҳбар ташкилотлари ҳам, албатта, давлат хазинасидан ажратмалар ҳисобига таъминланган. Ҳозирги кунда улар ўз таркибий тизимларини ташкил этиш, фаолиятларини янги талаблар асосида йўлга қўйиш, ривожланган мамлакатларнинг бу борадаги тажрибаларини ўрганиш, бир сўз билан айтганда, изланиш босқичида.

— Илмий изланишлар, соф ҳолда ҳам моҳиятан муайян мақсадларни кўзда тутади. Мен бермоқчи бўлган савол унинг жамият манфаатлари билан боғлиқ жиҳатлари ҳақида. Демоқчиманки, фанни аниқ мақсадлар сари йўналтириш, яъни режага солиш мумкинми?

— Ижодий меҳнат (у илмийми, бадиийми ёки санъат йўлидаги фаолиятми) аввалам бор, шахс руҳий кечинмасининг маҳсули бўлиб, ўз ижодкорини маънавий ва моддий баҳраманд этиши қолаверса, ўз халқи, миллати, мамлакати манфаатларига, Ватан фаровонлигига хизмат қилиши керак. Акс ҳолда, мавҳум, муаллақ, енгил-елпи мавзуга қаратилган ёки юқоридаги талабларга зид келувчи «ижод»нинг ҳеч кимга кераги ҳам йўқ, деб ўйлайман.

Маълумки, мамлакатимизнинг сиёсий истиқлолга эришуви, унинг иқтисодий мустақиллигини таъминлаш, айниқса, ҳозирги ўтиш даври бозор иқтисодий муносабатларининг ҳаётимизга кириб келиши, юртбошимиз Ислом Каримовнинг бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтишнинг илмий, иқтисодий, сиёсий жиҳатлардан асосланган ва халқаро миқёсда юқори даражада тан олинаётган беш тамойилини амалга ошириш жараёнининг ўзи фанимиз олдига ўз ечимини кутаётган ҳам фундаментал, ҳам устивор, ҳам жорий йўналишлардаги қатор аниқ илмий, тадқиқий вазифаларни қўяди.

Президентимизнинг шу йил 18 февралда Вазирлар Маҳкамасида 1993 йил иш якунлари ва иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги йиғинда сўзлаган нутқидан келиб чиқувчи, барча тармоқлар, шу жумладан илму фан вакиллари олдига қўйилган вазифаларни бир ўйлаб кўрайлик...

Давлат мулкини хусусийлаштириш, деҳқон (фермер) хўжаликларини ташкил этиш, молия ва баҳо, солиқ сиёсати, бошқарув усуллари, кичик ва қўшма корхоналар барпо этиш, хомашё эмас, бозоргир тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш, ҳозирги замон илғор технологиясини жорий этиш,инвестициясини жалб қилиш, ер ости ва ер усти табиий бойликларимизни қазиб олиш, қайта ишлаш, сақлаш, экология, саломатлик, таълим-тарбия, маданият, тарих, маънавият, ҳуқуқий давлат қуриш ва бошқа соҳаларнинг илмий таъминоти, тадқиқий-таҳлилий асосларини кимлар ва қайси соҳа вакиллари амалга ошириши керак?

Ана энди илму фаннинг вазифаси нимаю кимларга хизмат қилиши лозим, уни ўринли ташкил этиш, миллат ва мамлакат манфаати йўлида фойдаланиш ҳаётий эҳтиёжми ёки шароит тақозосидан келиб чиқувчи жараёнми, ўзингиз ўйлаб кўраверинг!

— Халқимиз — «Табиб-табиб эмас, бошидан ўтган табиб», дейди. Сиз мактабда, техникум, олий ўқув юртида ўқитувчи, раҳбар бўлиб ишлагансиз, илмий тадқиқотларингиз ҳам кўпроқ таълим тарихи, тизими, таркиби, уни ташкил қилиш муаммоларига қаратилган. Шу боис мамлакатимиз таълим тизимининг аҳволи, унинг ҳозирги турмушимиз билан бевосита муносабати, ҳаётимиздаги ўрни хусусида фикр билдирсангиз.

— Аввало мен ўзимни таълим тизимининг билимдони деб ҳисобламайман. Аммо узвий иш ҳамда хизмат юзасидан таълим ўчоқлари, муассасалари билан ҳозир ҳам яқин алоқада эканлигим сабабли, айтишим мумкинки, собиқ Иттифоқ Халқ таълими Комиссариати Давлат комиссиясининг хулосасига кўра 30-йилларда СССР таълим тизимига намуна сифатида ўша давр немис варианти асос қилиб олинган эди. Очиғини айтганда, шу вақтгача яшаб келаётган мактабгача тарбия (3-6 ёш), бошланғич синф (I-IV), тўлиқсиз ўрта (V-VII ёки V-VIII, IX) ва ўрта (IX-X ёки X-XI) мактаб, ўрта махсус, сўнгра олий таълим, аспирантура, докторантура, малака ошириш ва қайта тайёрлашдан иборат бўлган таълим тизими анча мукаммал, ўз ижобий хусусиятларига эга. Ўз вақтида у жаҳон ривожланган мамлакатлари томонидан маълум даражада тан олинган, нисбатан обрўли таълим тизими эди. Йиллар ўтиши билан бошқа барча жабҳалардаги каби унга ҳам манқурт сиёсий тузум партократия, ягона мафкура, унинг яловбардорлари салбий таъсир кўрсатди. Компирқа тарихи, умуман унинг идеологияси «асосий фанлар» сифатида таълим жараёнига зўрлаб киритилди. Дунёвий фанлар салмоғи тушиб кетди. Бунинг устига «икки»чисиз», «иккисиз — икки йилликсиз» каби шиорлар пайдо бўлиб, таълим интизоми, мазмуни издан чиқди. Таниш-билишчилик, порахўрлик, сохта медалистлар, «медаллар ёмғири» ва уларга яратиб берилган сунъий имтиёзлар юзага келди. Шунингдек институтларни битириб чиқаётган аксарият чаламулла мутахассислар, чаласавод ва бир томонламалик билан ёзилган дастур ва дарсликлар, таълим даргоҳларини менсимаслик, уларнинг мамлакат, миллат тараққиётида тутган ўрнини тушунмаслик, ўқувчи, талаба ва ўқитувчиларни сурункали ва узоқ муддатларга ўқишга алоқадор бўлмаган хўжалик ишларига жалб қилавериш, пировардида мазкур таълим тизимини чуқур инқирозга олиб келди.

Бундай ноўрин хатти-ҳаракатлар ҳали-ҳануз кўзга ташланиб турибди. 1993 хўжалик йилида, айниқса, Фарғона водийси вилоятлари ва Қорақалпоғистон республикасида ўқув юртлари ёпилиб, талабалар, юқори синф ўқувчилари ҳатто 20 декабргача пахта далаларида юрдилар. Бу йилги қиш-қировли кунлар қандай ва қачон бошланганлиги ҳаммамизга маълум. Бу билан нафақат ўқув режаси, таълим мазмуни, мутахассис тайёрлаш режасию сифатига, балки ёш авлод, қизларимиз — бўлажак оналар саломатлигига ҳам маълум даражада путур етказилди. Қураётган ёш ҳуқуқий давлатимизнинг янги қабул қилинган қатор қонунлари қўпол равишда бузилди.

Наҳотки жойлардаги раҳбарларимиз «Таълим тўғрисида»ги Қонунининг ҳеч бўлмаганда 27-моддасида: «Таълим олувчиларни ўқиш вақти ҳисобидан таълим жараёни билан боғлиқ бўлмаган ишга жалб этиш тақиқланади, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати қарорларида назарда тутилган ҳоллар мундан истисно», деб ёзиб қўйилганини унутган бўлсалар?!

Шуларга асосланиб, бир фикрни айтмоқчиман. Тўғри, маҳаллий ҳокимиятлар, мактабларга бирмунча эътибор бермоқдалар. Аммо таълим тақдирини бутунича туман, шаҳар, вилоят ҳокимликлари қўлига бериб қўйишимиз ва юқоридаги каби ҳодисаларни томошабин сифатида кузатиб туришимиз ҳам мутлақо тўғри эмас.

Масалан, сўз ўша, юқорида эслатилган деҳқончилик, фермер хўжаликларини ташкил қилиш ҳақида кетадиган бўлса, биз ҳақиқий фермерни биринчи навбатда агрономия, зоотехника, тупроқшунослик, ер тузилиши, уруғчилик, ҳашаротларга қарши кураш, механизация, ем-хашак, омухта озуқа тайёрлаш, молия-иқтисод, ҳуқуқшунослик, кичик, қўшма, етиштирилган маҳсулотни қайта ишловчи, товар ишлаб чиқарувчи корхоналар технологияси асослари билан қуроллантиришимиз керак. Шундагина ердан унумли ва тўғри фойдалана оламиз, мўл-кўл, арзон, сифатли маҳсулотлар етиштирамиз. Энг муҳими, Президентимиз таъкидлаганларидек, ривожланган мамлакатлардаги каби қишлоқ хўжалигида банд бўлган аҳоли сонининг кескин камайишига ва бунинг ҳисобига ишлаб чиқариш, маиший хизмат кўрсатиш каби бошқа соҳаларда ишчи-хизматчилар сонининг кўпайишига эришамиз.

Шундай экан, мутахассис тайёрловчи олий ва ўрта махсус билим юртининг ўқув режалари, дастурлари ёки дарсликлар юқоридаги талабларга тўлиқ жавоб бера оладими? Бирон ўқув юрти, вазирлик ёки улар қошидаги юзлаб ходимлар ишлайдиган ўқув услубий идоралар (улар 13 вазирликда мавжуд бўлиб, 500 дан ортиқ киши ишлайди) бу соҳада бирон аниқ, ҳаётий дастур эълон қила олдиларми? Афсуски, бунга комил ишонч билан «Ҳа!», — дея жавоб бера олмаймиз.

Албатта, қишлоқ хўжалигимиз тизимида фермерлик ҳаракати, юқорида айтганимиздек, ижобий, истиқболли йўналиш, аммо бунда фақат истак ва ташаббуснинг ўзи кифоя эмас. Сўзсиз, йиллар ўтиши билан у ҳаётимиздан муносиб ўрин олади. Отамерос, ота касбга айланиб, минглаб «туғма фермерлар»нинг етишиб чиқишига ҳам ишончимиз комил. Лекин бугунги кунда улар учун вилоят марказларида маҳаллий мутахассислар ва соҳа ўқув юртлари илмий-педагогик кучлари иштирокида биринчи навбатда агрономия, агротехника, агрохимия, зоотехника асосларидан қисқа муддатли (3-4 кунлик) ўқув-амалий машғулотлар курсларини ташкил этиш зарур, деб ўйлайман.

Энди исталган — муҳандислик, иқтисодиёт, ҳуқуқшунослик, тиббиёт, доришунослик, ўқитувчилик ва бошқа соҳалардаги кадр тайёрлаш таълим тизимимизни юқорида баён этилган ҳозирги замон талабларидан келиб чиқиб баҳолайдиган бўлсак, аҳвол бундан яхши эмаслиги маълум бўлади. Буларнинг ҳаммаси — таълим тизимида бошланган ислоҳотнинг қанчалик муҳим, мураккаб ва зарурлигини кўрсатиб турибди.

— Мамлакатимиз таълим тизимида бу ислоҳот қандай амалга оширилмоқда, унинг истиқболи ҳақида нима дея оласиз?

— Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисида»ги Қонунининг қабул қилиниши мамлакатимиз таълим тизими олдига юқорида кўрсатилган жиддий муаммоларни ҳал қилишни, уни мустақил Ўзбекистон давлатининг ягона таълим сиёсати талаблари асосида қайта ташкил қилиш вазифасини қўйди. Бу, биринчи навбатда, ўқитувчилар малакасини ошириш масаласини бутунлай янгитдан ташкил қилинганлиги, уларни шартнома (контракт) асосида ишга қабул қилиш тизими жорий этилганлиги, ўқув юртлари фаолиятини аттестация ва аккредитациядан ўтказиш Низомининг ишлаб чиқилганлиги ва бу жиддий тадбирни амалга ошириш бошлаб юборилганлиги, ўқув юртлари Давлат инспекцияси фаолияти тубдан ўзгартирилиб, янги мазмунда қайта ташкил этилганлиги каби амалий ишларда ўз аксини топмоқда.

Энди таълимда давлат, жаҳон стандартларига тўхталадиган бўлсак, бу анча мураккаб масала. Мен бу ҳақда қайси бир суҳбатимизда ҳам бир оз тўхталган эдим. Давлат, жаҳон стандарти деб аталмиш тушунча бирон товар ишлаб чиқариш, маҳсулот сифатини белгиловчи умум қабул қилинган мезон сифатида мавжуд бўлса ҳам уни бутунича таълимга жорий қилиш мумкин эмас. Шунинг учун ҳам биронта ўқув юрти ёки давлат таълим тизимини давлат ёки жаҳон стандартига тўлиқ жавоб бера олади, деб эталон (намуна) сифатида ажратиб кўрсатиб бўлмайди.

Бундай меъёрий талаблар кадрлар тайёрлаш жараёнига буюртмачилар (қишлоқ хўжалиги, саноат, ишлаб чиқариш корхоналари, ташкилотлар) талаби, шунингдек ,ҳозирги замон ишлаб чиқариш технологияси ривожи, фаннинг тараққиёт даражаси, ижтимоий-сиёсий тузум, давлат мафкураси каби қатор омиллар таъсирида, истиқболни ҳисобга олган ҳолда шаклланади, ўзгариб туради.

Ахир, собиқ Иттифоқ даврида биз ўз таълим тизимимизни ҳеч бир хорижий мамлакатники билан солиштириб, қиёс қилиб кўрмай, бизда тайёрланаётган мутахассислар билими, савияси даражаси, ихтисосликлар рўйхатини чоғиштирмай, ўзимизни-ўзимиз мақтаб юраверганмиз. Ваҳоланки, совет мутахассислари асосан қолоқ, саёз билимли бўлиб, аксарият социалистик йўналиш мамлакатларида арзонгаров иш ҳақи тўлаш ёки ўзаро кадр алмашиш асосида ишга қабул қилиб келинган. Чунки совет ўқув юртлари дипломлари халқаро миқёсда эквивалент сифатида тан олинмаган.

Масалан, Москвадаги П. Лумумба номли Халқлар дўстлиги университети дипломининг эквивалентлиги масаласини кўриб чиққан Европа иқтисодий ҳамжамиятининг Маданий ҳамкорлик Кенгаши 1993 йилда бир талай сабаблар, жумладан, талабаларнинг университетгача бўлган билим савиясининг пастлиги, олий маълумот тизими таркибининг кўппоғонали эмаслиги, яъни ҳамма битирувчиларга бир хилда — 100 фоиз (ривожланган мамлакатларда 10 дан 25 фоизгача) олий маълумотли (магистр) мутахассис ихтисослигининг берилаверилиши каби сабабларга кўра, унинг халқаро миқёсда тан олинишини рад этган.

Бу — тарихий ҳақиқат. Бугунги кун талабларини ҳисобга олган ҳолда биз ҳам 9 йиллик умумий мажбурий таълим мазмунини такомиллаштириш, айниқса, кейинги X-XI синфларга ўқувчиларни тест асосида саралаб олишни жиддий йўлга қўйишимиз лозим. Шунингдек, ўқувчиларга зўрма-зўраки барча (15 дан ортиқ) фанларни эмас, балки уларнинг хоҳишларига, лаёқатларига кўра 5-6 фанни атрофлича, чуқур ўргатиш, йўналишларга қараб синф, гуруҳларни ташкил қилиш борасидаги тажрибаларни кенг оммалаштириш ғоят муҳимдир. Фанлар бўйича тажрибали, фидойи ўқитувчиларни танлаб олиш, олий ўқув юртларида эса ўрта мактаб дастурлари доирасида такрорлашларга чек қўйиш, ўқув режаларини жиддий қайта кўриб чиқиш, ортиқча, кераксиз фанларни чиқариб ташлаш каби таълим тадбирларини амалга ошириш ҳам катта аҳамиятга эга.

Айрим мамлакатларда таълим тизимини 1992 йил кўрсаткичлари бўйича муфассал ўрганиб чиққан ўша Европа иқтисодиёти ҳамжамиятининг. Маданий ҳамкорлик кенгаши мутахассислари хулосасида Ўзбекистон Украина, Словакия республикаси каби мамлакатлар билан бир қаторга қўйилиб, таълимнинг таназзул (кризис) жараёнини ўз бошидан кечираётганлиги таъкидланган.

Ҳозирги кунга келиб, энди вазият ҳам, шароит ҳам, талаб ҳам мутлақо ўзгармоқда. Биз ўз таълим тизимимизга танқидий-ижодий ёндашиб, уни юқорида таъкидланган талаблар асосида, бошланган ислоҳотни босқичма-босқич амалга ошира бориб, таълим сифати, унинг мазмунини замон талаби даражасига кўтариш ҳаракатидамиз. Бу ҳаракат ҳозирги кунда барча мамлакатлар, ҳатто ривожланган Америка Қўшма Штатлари, Англия, Японияда ҳам амалга оширилмоқда. Чунки, АҚШда таълим сифати тинимсиз тушиб бораётганлиги, Англияда таълим мазмунини бойитиш муаммосида умумий бир фикрга кела олинмаётганлиги, Японияда эса таълим даргоҳларида сертавозелик, сертакаллуфлик, тобелик қарор топганлиги натижасида ўқиш сифатининг пасайишидан ташвишга тушмоқдалар.

— Яна бир савол. Мана, икки йилдирки, тест синови ҳаётимиздан мустаҳкам ўрин ола бошлади ва ўз афзалликларига кўра кенг эътироф этилмоқда. Аммо уни такомиллаштириш йўллари, айниқса, камчилиги, нуқсонлари ҳақида жуда кам гапирилади. Масалан, 1993 йил 15 июлда олий ўқув юртлари раҳбарлари билан бўлиб ўтган йиғилишда Президентимизнинг тест усулининг камчиликлари ҳақидаги саволларига ҳам жўяли жавоб берилмаган эди. Сиз дастлабки йили талабаларни тест синови асосида қабул этишга, бевосита раҳбарлик қилдингиз. Шу ҳақдаги фикрларингиз билан ўртоқлашсангиз.

— Ҳар қандай янгиликнинг амалиётга, ҳаётга татбиқ этилиш жараёнида унинг маълум камчиликлари, нуқсонлари аниқланиши табиийдир, шу жумладан тест синовлари ҳам мукаммалликдан ҳали анча йироқ.

1992 йилда тажриба тариқасида республикамизнинг 19 та ва 1993 йилга келиб ҳамма олий ўқув юртларида ўқишга қабул синовлари тест усулида ўтказилди. Атрофлича таҳлил қилинса, тест-синов усулини жорий этиш билан боғлиқ талай муаммолар ҳам мавжуд эканлиги аён бўлади. Булар нималар?

Биринчи галда, қабул жараёнида ўқув юртининг иштирок этишини батамом истисно этиш, абитуриентларни Тест маркази ва унинг жойлардаги нуқталарида танловдан ўтказиш лозим.

Иккинчидан, «Давлат тили тўғрисида»ги Қонуннинг 15-моддасида: «Ўзбекистондаги олий ўқув юртларида дарслар ўзбек тилида ўтилмайдиган бўлим ва гуруҳларида ўзбек тилини ўқув режасининг асосий фанларидан бири сифатида ўрганиш таъминланади. Бу фандан битирув имтиҳони топширилади», дея кўрсатилганини эътиборга олиб, «ўзбек тили»ни (барча мутахассисликлар бўйича) асосий фанлар даражасига кўтариш, ҳар бир тўғри топилган жавобга бериладиган балларни асосий фанлар билан бир хилда — 3,1 деб белгилаш керак.

Учинчидан, менинг назаримда, конкурсни айрим ўқув юрти, факультет, ихтисослик доирасида эмас, балки мутахассислик, олий ўқув юрти гуруҳи (техник, ижтимоий, табиий, тиббиёт ва бошқа), яъни республика бўйича умумий ўтказиш: энг юқори баллиларни биринчи навбатда энг обрўли, мавқеи баланд олий ўқув юртларига қабул қилиш, абитуриентларга эса ўз аризаларида бир неча ўқув юртини кўрсатишларига рухсат бериш, чинакам маънода адолатни юзага чиқаради.

Яна бир таклиф. Тест синовларини икки босқичда — биринчисини ўқув йилининг ўрталарида талабаликка даъвогарлар (шу жумладан юқори синф ўқувчилари)нинг умумий савияси, қайси касбга қизиқиши ва шу соҳадаги билимини аниқлаш мақсадида ташкил қилиш лозим. Мана шу босқичда 50 фоиздан юқори балл олганларнигина иккинчи босқичга — олий ўқув юртларига қабул синовларига қўйиш, биринчи босқичда 50 фоиздан юқори балл олган, аммо иккинчи босқичда қатнашишни истамаган ёки қабул тест синовларида ўтиш балидан (иккинчи босқичда) 1 тадан 10 тагача кам балл тўплаган абитуриентларга шу йўналишлар бўйича ўрта махсус ўқув юртларига имтиҳонсиз кириш имтиёзларини бериш, ўрта умумий мактаб ва ўрта махсус ўқув юртларининг битириш имтиҳонларини ҳам тест асосида Марказ томонидан ўтказилган тақдирда унинг натижаларини олий ўқув юртига қабул тест синовлари сифатида ҳисобга олиш зарур, деб ўйлайман. Имкон қадар қабул тест савол-жавобларидаги «бир саволга — 5 жавоб, ундан биттаси тўғри, қолганлари нотўғри» тартибини такомиллаштириш мақсадга мувофиқ. Нега энди жавоблар орасида мактаб дастурида кўзда тутилмаган, салоҳиятли ўқувчи учун мўлжалланган, ижодий фикрлашни талаб қиладиган биронта жавобни ҳам бериш ва уни топганларга тўғри жавобдан ҳам юқори балл белгилаш мумкин эмас?

Ё бўлмаса, ҳозирги ҳолатда филология мутахассислигига — оғзаки нутқи норавон, ёзмаси шикаста, тили нуқсонли (дудуқ), тарихга — дунёқараши тор, умумий савияси паст; ҳуқуқшуносликка — мантиқий фикрлай олмайдиган; иқтисодиётга — ҳисоб-китоб таҳлилидан узоқ; тиббиётга — қон, игна санчишдан, қўрқадиган ёшлар кириб қолмаслигига кафолат борми?

Кўриб турибсизки, бу борада қиладиган ишларимиз талайгина. Мен ҳозир уларнинг ҳаммасини айтаётганим йўқ. Гап бу ерда мавжуд муаммоларни пайсалга солмай ҳал этиш ҳақида кетаётир. Камчиликларни қанча тез бартараф этсак, бу янги усулнинг эл орасидаги мавқеи шунча юксалиши табиийдир. Ҳозир шу йўналишда иш олиб борилаяпти.

— Муштарийларга истакларингиз.

— Аввало шуни айтмоқчиманки, суҳбатимизда мустақил Ватанимизнинг илму фани олдида турган вазифалар, таълим тизими тарихи, ҳозирги аҳволи, шу куннинг долзарб муаммолари ва истиқболи ҳақида имкон қадар фикрлашдик. Ўтиш даври таълим тизими олдида турган бундай жиддий, мураккаб масалаларни ҳал қилишдек тарихий вазифа мамлакатимиз комил раҳбарияти томонидан сиз ва бизга ишониб топширилган экан, бундай масъулиятли имкониятдан самарали фойдаланиш ҳам касб-корлик, ҳам фуқаролик, ҳам ватанпарварлик бурчимиздир. Мана шу йўлда таълим-тарбиянинг барча фидойиларига, жумладан, «Маърифат» муштарийларига доимо омад ёр бўлсин!

— Сизга ҳам масъулиятли ишингизда муваффақият тилаб қоламиз!

Суҳбатдош Саъдулла ҲАКИМ.

ВАЗИР БИЛАН МУЛОҚОТ

Тошкент давлат автомобиль ва йўллар институти жамоаси куни кеча Ўзбекистон олий ва ўрта махсус таълим вазири, академик Оқил Умурзоқович Салимов билан учрашдилар.

Унда Ўзбекистон Республикаси Президентининг олий таълимни юксалтириш, ўқитувчи-профессолрар, талаба ва аспирантларни ижтимоий ва маънавий муҳофаза этиш, илм олиш йўлида зарур бўлган шарт-шароитлар яратиш хусусидаги бир қатор фармонларининг қандай бажарилаётганлиги, бу борада эришилаётган ютуқ ва тажрибалар ҳақида ўзаро фикрлар алмашинди.

Олимлар, профессор-ўқитувчилар сўзга чиқиб, олий мактаб ва ундаги муаммолар, автомобилсозлик, йўлсозликда профессор-ўқитувчиларнинг илмий-амалий фаолиятлари, олий мактаб учун намунавий ўқув-режалар тузиш, дарслик ва дастурлар яратиш, ҳар бир фанни жаҳон мезони талаби даражасига етказиш, ўқув-услубий ҳамда ижтимоий-гуманитар, тарбиявий ишлар бошқармаларини ташкил қилиш, миллий истиқлол мафкураси дарсликларини яратиш ва «Одобнома» дарсларини барча олий ўқув юртларига ҳам жорий этиш каби муҳим масалалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

К. НОРМАТОВ.

МАКТАБГАЧА ТАРБИЯ МУАССАСАЛАРИДА

БОЛАЛИ УЙ—БОЗОР

Халқимиз болали уйни бозорга қиёс этишади. Шу маънода болажон Ўзбекистонимизнинг ҳар бир хонадони — бозор. Мўъжазгина ушбу боғчада ҳам шундай манзара намоён. Аммо биз «ола хуржун»имизни орқалаб, ҳар куни тушадиган бозордан тамоман фарқ қилади. Бу ерда беғубор болаликнинг кулгу ва қийқириқлари, ҳархаша ва аразлашлари, чучук ва бийрон тиллари сизни беихтиёр мафтун этади. Катта ёшда эканлигингизни ҳам унутган ҳолда жажжиларнинг даврасига шўнғиб кетасиз. Бу даргоҳда болалик даврасининг қудратда беқиёс оҳанграбоси бор!

Шундай бетакрор даврада 30 йилдан кўпроқ яшашнинг, яшаганда ҳам ўзлигини, ўз дунёсини унутиб яшашнинг завқу шавқи ва заҳматини тасаввурингизга сиғдира оласизми?

Гапни узоқдан бошлашимизнинг боиси бор. Чунки мақсадимизнинг моҳиятини тўлароқ акс эттириш, қолаверса, муштарийларни ўзимиз билан бирга қутлуғ даргоҳ—боғча дарвозасидан не-не жуфт-жуфт қора кўзлар ҳузурига бошлаб кирдик.

Қундузхон опанинг боғчаси ана шундай бағри кенг маскан.

— Боғчамизда 70 нафар бола тарбияланаяпти,— дейди Қундузхон опа Позилхонова.— Бу ерда 2 та—кичик ва катта гуруҳлар мавжуд. Гап болаларнинг сонида эмас, биз тарбия мезонига алоҳида эътибор берамиз.

Биз Тошкент туманидаги кичкинтойларнинг намунали маскани — 3-болалар боғчасида ана шу фикрнинг амалдаги исботини кўрдик.

Туман халқ таълими тасарруфидаги бу мўъжаз даргоҳ, таъбир жоиз бўлса, келажакнинг катта оламини камолотга етказишда 1964 йилдан буён фаолият кўрсатиб келаяпти. Боғчанинг дастлабки фаолияти ҳам Қундуз опанинг ташкилотчилиги билан чамбарчас боғлиқ. Шундан бери орадан қарийб ўттиз йилдан кўпроқ вақт ўтди. Йилларнинг залворли силсиласи мураббий Позилхонованинг умр дафтари саҳифасида ёркин ва нурли из қолдирди.

Болажонлар бир-биридан ширин, шўх ва бийрон. Уларнинг «Боғча опа»лари хусусида янада илиқ гаплар айтиш мумкин. Бу ерда 12 киши болалар тарбиясига масъул. Тарбиячи Иқбол опа Мирғиёсова «жўжиқ»ларга алла ва эртак айтиб беришни санъаткор даражасида ўрнига қўяди.

— 25 йиллик тарбиячилик фаолиятим ранг-баранг кечди, — дейди Иқбол опа.— Ўзим ҳам 4 нафар фарзанднинг онасиман. Кўз гавҳарларим — боғча болаларимни қўшиб ҳисобласам — улар эндиликда осмондаги юлдузлардай кўп.

Дилором Нишонова, Дилбар Аҳмедова, Бунисо Тожибоева сингари тарбиячилар, Мўътабар Зиёева, Азиза Азимова, Феруза Имомалиеванинг хизматлари ҳам таҳсинга лойиқ.

Бу мўъжаз даргоҳда болаларнинг яйраб тарбия топишлари учун барча шароит муҳайё. Қўғирчоқ ва стол театри дейсизми, болаларни мусиқа олами билан таништириш дейсизми — барчаси баркамол тарбияга қаратилган. «Одобнома» кичкинтойларнинг севимли машғулоти. Мусиқа ўқитувчиси Моҳира Сойипованинг айтишича, бу ердаги ҳар қандайин тадбир жозибали қўшиқ ва рақсларсиз ўтмайди. Ижрочиси эса болажонларнинг ўзи! Дарвоқе, боғча бош ошпази Муқаддас Тошмуҳаммедованинг пиширган турфа таомлари сўзлари каби болажонларга олам-олам лаззат бағишлайди.

Қундузхон опа Позилхонованинг хонадонини ҳам ўзи ишлаётган қутлуғ даргоҳга қиёслаш мумкин. Бу ерда ҳам азалий анъана — тарбия устивор. Шу боис Қундуз опа билан унинг турмуш ўртоғи Убайдулла ака Позилхонов икки ўғил, икки қизни вояга етказиб, эл қаторига қўшишди. Қизлари — Шаҳноза ва Дилнозахон, келинлари — Мўътабархон ва Донохонлар бугунги кунда олий маълумотли тарбиячи ва зиёли сифатида фаолият кўрсатишаяпти. Ўғиллари Алишер ва Беҳзоджонлар эса халқ хўжалигининг турли соҳаларида самарали ишлашаяпти.

Абдулла ТУРДИЕВ,
журналист.

Суратларда: боғча ҳаётидан айрим лавҳалар.

Ҳаким СОЛИҲОВ олган суратлар.

• Очиқ мулоқот

Ҳафиз АБДУСАМАТОВ

ҲАЁТ ДАРСЛИГИ

Ёзув столим устида ўрта мактаб ўқувчилари учун чиққан адабиёт дарсликлари — мажмуалари турибди. Мен 5-синфдан то 11-синфгача бўлган, яқиндагина чоп этилган, бўёқ ҳидлари кетмаган саккизта китобни бирма-бир кўздан кечириб чиқдим. Аввало шуни айтишим керакки, қисқа вақт ичида 1993 йилда қоғоз танқислиги, босмахона қийинчиликларига қарамасдан, юқоридаги дарслик-мажмуаларни ўқувчиларга етказиб берилганидан беҳад хурсанд бўлдик. Бошқа жумҳуриятларда, Марказий Осиё мамлакатларида ҳам биздагидек тезкорлик билан ҳар бир китобни деярли ярим миллион нусхада чоп этиш ҳодисалари учрамайди, десак хато бўлмас. Бунда «Ўқитувчи» нашриётининг жонбозлик билан қилган катта меҳнатини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиздир.

Тўғри, қўлимдаги китобларнинг биронтаси ҳам тўла маънодаги дарслик эмас. Лекин улар бу йўлда қилинган жиддий ижодий қадамлардир. Буни шундан ҳам билсак бўладики, уларнинг кўпи дарслик-мажмуа (5, 6, 7, 8-синфлар учун), қолганлари (9, 10, 11-синфлар учун) эса мажмуалардан иборат.

Дарслик — мажмуаларда муаллифлар ва тузувчилар ҳар бир ёзувчининг асарларидан намуна ёки парча беришлари билан бирга, унинг ижодий йўли ҳақида, бадиий материал хусусида маълумот ва характеристика билан тўлдиришади. Ёки адиб ўз ижодий қиёфасини очиб берадиган таржимаи ҳоли келтирилиб, унинг ҳақида талабаларда тасаввур туғдирилади.

Ёзувчилар ҳаёти ва ижодига оид материаллар қаламкашлар ижодий лабораториясини ўрганишга ёрдами тегиши шубҳасиздир. Булар ҳаммаси ўрта мактаблар учун тўла маънодаги дарсликлар яратиш учун катта материал бериши, улар учун рационал мағиз бўлиб хизмат қилиши турган гап.

Булардан ташқари дарслик ёзиш учун айрим принциплар ишлаб чиқилган. Биринчидан, қайси синфга қайси давр адабиётини, унинг қайси намояндаларини киритиш масаласи ечилган. Иккинчидан эса адибларнинг қайси асарлари китоблардан жой олиши аниқлаб берилган. Маълумки, асарлар аниқ бўлганидан кейин дарсликдаги таҳлилнинг асосий объекти белгиланиб, гап юритиш осон бўлади.

Булардан ташқари айрим жанрларнинг ўзига хос хусусиятлари таҳлил қилинадики, булар ҳаммаси дарслик учун яхши озуқа бўла олади. Бизга маъқул тушган нарса яна шундаки, кўп китоб-мажмуаларда Ўзбекистон Республикасининг давлат мадҳияси ҳамда ўзбек халқ оғзаки ижодидан намуналар берилишидир. Талабалар жумҳуриятнинг мадҳиясини ўрганиб олиши, бой оғзаки халқ ижодидан баҳраманд бўлишлари лозим. Улардаги фазилат шундаки, «оқ доғлар» тўлдирилган. Беҳбудий, Чўлпон, Фитрат, Усмон Носир ижодлари билан мажмуалар бойитилган.

Дарсликлар — мажмуаларнинг ижобий томонларига уларнинг миллий қобиғ билан ўралиб қолмаслигини киритиш ўринли бўлар эди. Талабаларни жаҳон бадиий дурдоналари билан ҳам таништириб бориш ҳозирги замон талаби эканлиги маълумдир.

Ўрта мактаб учун тузилган дарслик-мажмуаларнинг кўп ижобий хусусиятларини қайд қилган ҳолда, улар устидаги ўзимизнинг танқидий мулоҳазаларимизни, истакларимизни ҳам билдириб ўтмоқчимиз. Буларни айтишдан мақсад, келажакда ёзиладиган адабиёт дарсликлари учун қисман бўлса-да, ёрдам бериш. Чунки эълон қилинган китобларнинг ўзи ҳам айрим масалаларни қўйишга, жиддий фикрларни изҳор этишга имкон беради.

Биринчи масала — дарсликларнинг аниқ концепциясини белгилаб олиш. Маълумки, даврлаштириш аниқланмаса, дарсликларнинг режаси бошидан пухта тузилмаса, уларнинг қиммати, аҳамиятига шикаст етиши турган гап. Очиғини айтишимиз керакки, 5—11-синфлар учун тузилган дарсликлар-мажмуаларда қатъий концепцияга, маълум ташкил топган изчил принципларга амал қилинмаган. Қадимги даврдан бошлаб, мустақилликка эришилган вақтгача яратилган адабиётни аниқ белгилаб, уни даврларга ажратиб, йирик адибларни даврларга киритиб, уларни ҳар бир синф дарслигига жойлаштирсак, мўлжалланган мақсадга етган бўлар эдик. Хўш, амалда қандай бўлди? Бир хил адабий давр қатор синфларда ифода этилган, баъзилари эса тушиб қолган ёки ўз ўрнига мувофиқ жой ололмаган. Масалан, XI аср адабиёти 5-синфда ҳам, 7-синфда ҳам, 9-синфда ҳам ўқитилади. Бу даврни бўлиб ташламасдан, яхлит қилиб чуқур мазмунда бир ёки икки дарсликда берилса бўлмасмиди?

Ёки бўлмаса XV аср адабиётини олайлик. Ҳа, тўғри адабиётимиз тарихида энг бой давр шу тилга олинган аср. Буюк Алишер Навоийнинг серқирра, мукаммал, бақувват ижоди шу даврга тўғри келади. Бу давр адабиёти 5-синф, 6-синф, 7-синф, 8-синф, 9-синф, 10-синф дарслик-мажмуалардан жой олган. Оқибатда уларда бир-бирига ўхшаш ёки яқин материаллар учраб қолади. Ҳа, бунинг ўрнига ўша давр адабиётини бутун салобати билан очиб берадиган бадиий материалларни икки синф кўлланмасига жойлаштириб, чиройли қилиб кўрсатиш мумкин-ку? Бошқа мамлакатларнинг адабиёт дастурларида ҳеч қайси бир улуғ зот етти дарсликдан олтитасида ифода этилмаган. Худди шунга ўхшаш ҳол қаламкашлар тақсимотида ҳам учрайди. Шоир Сайфи Саройини 8 ва 9-синфларда ўқитилмасдан бир жойда ижодини кенгроқ қилиб ёритиб берилишини мақсадга мувофиқ деб биламиз. Чунки унинг асарлари кўп эмас, бор-йўғи 2 китоб ва айрим ғазалларга эга, холос. Шунга ўхшаш Аҳмад Югнакий ижоди ҳам икки синф (7 ва 9) да эмас, яхлит қилиб бир дарсликда характерланса ўринли бўлса керак.

9-синф ўзбек адабиёти мажмуасида қизиқ, ачинарли ҳодисага дуч келамиз. Шу мажмуада Тўмарис ва Широқ адабий ёдгорликларидан намуналар берилади-да, Миркарим Осимнинг ижодига ўтилиб, ундан олинган лавҳаларга диққат-эътиборимиз жалб қилинади. М. Осимдан кейин эса Маҳмуд Кошғарий ва Юсуф Хос Ҳожибларнинг асарлари жой олган. Тўғри, кейинги даврда ижод этган М. Осим юқорида эсланган номларда асарлар ҳам битган. Лекин уларни ўз жойида, мантиқ талаб қилган XX аср адабиётининг маҳсули сифатида тақдим этилса, чалкашликка олиб борилмаган, талабаларни эса чалғитмаган бўлардик.

Энди гапни XX аср ўзбек адабиёти тақсимотига, унинг намояндаларини жойлаштириш масаласига олиб ўтайлик. Бу ерда ҳам мантиқсизлик, ҳақиқий адабий ҳолатдан бир оз бўлса ҳам чекиниш ҳоллари учрайди. Маълумки, шундай ўзбек адибларимиз борки, уларсиз адабиёт тўла ҳолда бўлиши мумкин эмас, ёки у кемтик бўлиб қолади. Ўтмишда адабиётимизни камбағаллаштириб, баъзи сиймоларни (Беҳбудий, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Усмон Носирларни) маданиятимиз ҳаётидан ўчириб юборишга ҳаракат қилиб, тарихимизга бир томонлама қараган, «оқ доғлар»ни пайдо қилиб қўйган эдик. Кейинги вақтда эса бошқа томонга — бир томонликка қараб оға бошлаганга ўхшаймиз. Совет ҳокимиятига, Коммунистик партияга хизмат қилган деган баҳона билан йирик, талантли, барча жанрларда ажойиб, бақувват асарлар ёзган шоиру ёзувчини, драматургу адабиётшуносларни камситишга, улар ижодига маломат тошларини отишга, ҳатто уларни адабиёт тарихидан ўчириб ташлашга уринмоқдамиз. Шундай бўлиб қоляптики, қамалганлар, чет элга қочганлар ҳаммаси софдил, ҳалол, озодлик учун курашган ҳақиқий, истеъдодли қаламкашлар-у, даҳшатли даврдан омон-эсон қутулиб қолган адибларни эса ёмон отлиққа чиқариш, уларни ҳаттоки сотқинлар деб айблаш ҳоллари ҳам учраб турибди.

Шуни эсдан чиқармаслик керакки, ўша оғир йилларда адиблар ҳаётга, жамиятга, тузумга икки хил муносабатда бўлдилар. Кўплари социализм ва коммунизмнинг ғалаба қозонишига астойдил ишондилар ва унга жони-диллари билан хизмат қилдилар. Бир гуруҳ қаламкашлар эса янги сиёсатдан норози бўлиб, мустақилликни орзу қилдилар. Лекин улар ҳам аста-секин катта, ҳукмрон оқимнинг изига тушдилар ва совет тузумини куйладилар. У ҳолда ҳам, бу ҳолда ҳам бадиий асарларга санъат мулки, унинг дурдоналари деб қараш ўринли бўлса керак. Шуни алоҳида таъкидлашимиз керакки, Шўро даврида жуда бой адабиёт яратилган. Ҳар бир жанр гуллаб-яшнаган. Ўтмишдаги бадиий пухта асарлар адабиётимиз тарихида қолади деган ниятдамиз. Бақувват бадиий асарларнинг асосий фазилати уларда қандайдир даражада сиёсатни акс эттирилганлигида эмас, балки воқелик, халқ ҳаёти қандай ўз аксини топганида, уларда ҳозирги замонимиз — мустақиллик даври учун хизмат қиладиган тамойилларнинг мавжудлигидадир.

Шўро давридаги асарларга умуминсоний қадриятлар нуқтаи назаридан қарасак, улардан кўп гуманистик ҳислатларни топган бўламиз. Уларнинг янги давр учун ҳамоҳанг жиҳатлари нимада? Бадиий асарларнинг кўпи Ватанга муҳаббат туйғуларини уйғотиб, душманларга нафрат уруғини сочади. Халқлар ўртасида дўстликни мустаҳкамлаш мотивлари барча асарлардан қизил ип каби ўтади. Шўро давридаги адабиётимиз доим тинчликка, барқарорликка, тотувликка чақирган. Бундан ташқари адабиётимиз порахўрликка, ўғриликка, қинғир ишларга, ғирромликка қарши ўт очган. Унинг асли заминида ҳалол, пок, софдил, мардона меҳнатни улуғлаш ётади. Шу сабабдан ҳам қатор асарларимизнинг қаҳрамонлари оддий фуқаролар бўлган. Шўро даврида яратилган бадиий асарлардаги бу фазилатларни мерос сифатида қабул қилишимиз ва уларнинг қадрига етишимиз зарурмасми? Тўғри, дарслик-мажмуаларда Ҳамза, Ғафур Ғулом, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Абдулла Қаҳҳор ижодлари ўзларининг муносиб ўринларини эгаллаган, деб айта оламиз. Лекин баъзи атоқли қаламкашларимиз деярли ёки бутунлай четлаб ўтилганлиги кишини таажжубга солмаслиги мумкин эмас.

Биз, айниқса Муҳаммадшариф Сўфизода, Комил Яшин ва Уйғунларни назарда тутамиз. Буларсиз XX аср ўзбек адабиётини кўз олдимизга келтира олмаймиз, тасаввур ҳам эта олмаймиз. Бир вақтлари Чўлпон ва Фитратларни суриб қўйиб хато қилганимиздай, эндиликда Яшин, Уйғун ижодларини четлаб ўтиб, янги даврнинг хатосини келтириб чиқаряпмиз. Нега биз энди бой адабиётимизни камбағаллаштириб ёки кемтик қилиб кўрсатишимиз керак. Ўрта мактаб ўқувчилари миллий адабиётимиз ҳақида тўла билимга эга бўлишини даврнинг ўзи тақозо этади-ку!

Ахир, талабалар Ўзбекистоннинг биринчи «Халқ шоири» унвонини ким олган, «Байрам нашидалари» лирик поэмани, айниқса риёкорларни тилкапора қиладиган ўткир, бақувват ҳажвий шеърларни янги даврда биринчилардан бўлиб яратган ким деб сўраса, нима деб жавоб берамиз. М. Сўфизода XX аср адабиётимизда янги йўл очган, бадиий кашфиётлар қилган атоқли шоир-ку! «Гулсара», «Нурхон», «Номус ва муҳаббат», «Равшан ва Зулхумор» пьесаларини, «Генерал Раҳимов» фильмининг матнини, Ҳамза ҳақида драма, либретто, роман, фильмлар матнини ёзган санъаткор ижоди билан мактаб талабаларини таништириш ўрнига улардан қандай қилиб кўз юмиб ўтиб кетиб бўлади.

Уйғуннинг ажойиб, ўйноқи, чиройли лирикасини, «Алишер Навоий», «Зебуннисо», «Ҳуррият», «Парвоз», «Парвона» асарларини саҳнада етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган кишилар кўрган бўлишига имонимиз комил.

Шуни ҳам айтиб ўтишимиз керакки, халқ ўртасида машҳур бўлмаган, адабиётда дурустроқ из қолдирмаган ёки асарларининг савияси юқори бўлмаган қаламкашларни дарсликларга киритиб, ўқувчиларнинг юкини оғирлаштирмасдан, уларга юзаки билим бермасдан, оз бўлсин-у, лекин соз бўлсин нақлида иш тутиб портретларни қисқартиришни ўйласак фойдадан ҳоли бўлмас. Дарсликларга санъаткорларни киритиш масаласида талаб ўлчовини ошириш лозимлигини, бутун адабиёт тарихи, фани, айниқса ҳозирги мустақиллик даври тақозо этади. Шу юксак талаб нуқтаи назаридан қарасак, кичик кўламдаги қаламкашлар ҳам учраб туради. Масалан, Мужрим Обид (6-синф), Дилшоди Барно (6-синф), Исҳоқхон Жўнайдуллахон ўғли Ибрат (10-синф), Муҳаммад Юсуфбек Баёний (10-синф), Алмаий (10-синф) ва XX аср адабиёти бўйича пайдо бўлган рўйхатни ҳам синчковлик билан кўздан ўтказиб, улуғлари ва атоқлиларини дарсликларда қолдирсак, мақсадга мувофиқ бўларди, деб ўйлаймиз.

Дарсликларга юқорида номлари тилга олинган қаламкашлардан ташқари ҳозирги замондаги шоир ва ёзувчилардан Одил Ёқубов (уч синфда), Пиримқул Қодиров (уч синфда), Эркин Воҳидов (тўрт синфда), Абдулла Орипов (тўрт синфда), Ўткир Ҳошимов (икки синфда), Худойберди Тўхтабоев (икки синфда), Шукур Холмирзаев (икки синфда), Неъмат Аминов, Ўлмас Умарбеков, Рауф Парфи, Ҳалима Худойбердиева, Муҳаммад Али, Омон Матжон, Нурали Қобул, Тоҳир Малик, Хайриддин Султонов, Шароф Бошбеков, Хуршид Давронлар ҳам киритилган.

Қизиғи шундаки, баъзи унча машҳур бўлмаган қаламкашлар дарсликлардан ўрин олган-ку, аммо ҳақиқатан ҳам адабиёт учун жонини фидо қилган, бу жабҳада самарали ижод этиб, жиддий бадиий асарлар яратиб, халқ оммаси ўртасида машҳур бўлиб кетган баъзи ёзувчилар эса назардан тушиб қолган. Биз Ўзбекистон халқ шоири ва ёзувчилари бўлмиш Рамз Бобожон, Ҳамид Ғулом ва Қуддус Муҳаммадийларни кўзда тутяпмиз. Маълумки, ўз вақтида Рамз Бобожон ва Ҳамид Ғуломлар СССР Давлат мукофотига сазовор бўлганлар. Ҳа, гап лауреатликда ҳам эмас. Лекин бундай юксак мукофотни олиш ҳам ҳазилакам эмас эди. Ҳамма гап улар ижодининг салмоғидадир. Рамз Бобожоннинг «Оби-ҳаёт» поэмаси, унинг рубоийлари, «Тоға-жиянлар»и, «Зуҳранинг мактублари», «Юсуф ва Зулайҳо» каби саҳна асарлари тўла маънода поэзия ва драматургиямизнинг ютуқларидир.

Ҳамид Ғулом эса деярли барча жанрларда унумли ижод этган. «Қитъалар уйғоқ», «Лола кўл», «Севги» поэмалари, «Машъал», «Мангулик», «Тошкентликлар» романлари, «Тошболта ошиқ», «Муҳаббат навоси» каби пьесалари, талай лирик шеърлари билан кенг танилган.

Айтинглар-чи, Қуддус Муҳаммадийни қайси мактаб боласи билмайди? Шу шоир тўғрисида гап кетганда ўқувчиларнинг оғзидан бол томадику! Унинг болалар адабиёти ва айниқса, поэзиясига қўшган ҳиссасини бирор шоир ва ёзувчи билан тенглаштириб бўладими? Саид Аҳмад, Шукрулло, Асқад Мухтор, Мирмуҳсинларни дарсликларга киритилганликларидан мамнун бўлганимиз ҳолда, ҳам ёш жиҳатдан, ҳам ижодлари томонидан тенгқурлари бўлмиш Рамз Бобожон, Ҳамид Ғулом ҳам улар қаторидан жой олса адолатни тиклаган бўлар эдик.

Шароф Рашидов илгари дарсликда бор эди, энди ундан ғойиб бўлиб кетибди. Нима учун? Унинг айби оламдан ўтганлигими? «Ҳақ айла, тарихинг тоза бўлғай» деб бекорга айтишмаган.

Масъулиятсизлик ёки мантиқсизлик деймизми улар кўп жойларда ўз муҳрларини қолдириб кетганлар. 7-синфда XX аср ўзбек адабиёти Ҳамзадан бошланса, 6-синфда Абдулла Қодирийдан, 8-синфда Ойбекдан, 11-синфда М. Беҳбудийдан, 5-синфда эса Абдулла Авлонийдан бошланади. Бир дарсликда Абдулла Авлонийдан кейин Ҳамза портрети кетади, ёки бўлмаса Усмон Носирдан кейин Ҳамид Олимжон ва Ғафур Ғулом берилади. Бошқа бир дарсликда (7-синф) Ҳамид Олимжон ва Миртемирдан кейин Усмон Носир ўрин олган. 8-синфда эса Усмон Носир Миртемирдан олдинга ўтиб кетган. Хўш, бу пойма-пойликни қандай тушуниш ва тўғрилаш мумкин ёки қайси бир нусхаси ўринли олинган? Гапни Ҳамзадан бошлайлик. Олдин Ҳамза ёки А. Авлоний берилиши керакми? Масаланинг моҳияти қаламкашнинг олдин туғилгани ёки кўп яшаганлиги устида эмас. Энг асосий масала — адибнинг қолдирган адабий меросининг салмоғи ва савиясидадир. Шу жиҳатдан қарасак, Ҳамза ҳамкасбидан анча юқори туради. Шундай экан, янги давр адабиётини Ҳамзадан бошламоқ адолатдан бўлар эди. Энди Усмон Носир билан Ғафур Ғуломларга ўтсак. Ғафур Ғулом ҳар икки жиҳатдан ҳам — ёши жиҳатидан ҳам, ижодининг аҳамияти ва ўрни жиҳатидан ҳам юксакдир. Шунга қараб тамал тошини қўйсак ҳақиқатга қараб йўл олган бўламиз.

Дарслик—мажмуаларда ҳаммаси бўлиб қардош адабиётларнинг 22 машҳур қаламкаши ўқитилади. Марказий Осиё адабиётлари вакилларидан Садриддин Айний, Абай, Мухтор Авезов, Чингиз Айтматов, Махтумқули, Бердақ, Умар Ҳайёмлар танланганлиги жоиздир. Булардан ташқари Марк Твен, А. Фирдавсий, С. Шерозий, Софокл, Р. Ҳамзатов, Рабиндранат Тагор, М. Фузулий, Азиз Несин ва Г. Маркеслар ҳам тўғри танланган, чунки улар ўзбек оммасига яқин бўлиши билан бирга, миллий адабиётимизга таъсири ҳам ўзига хосдир. Лекин бу рўйхатни тўла деб бўлмайди. Ўзбек саҳнаси учун жуда катта роль ўйнаган, миллий драматургиянинг ривожида ҳам ўрни сезиларли бўлган В. Шекспир ва Ф. Шиллерларни эсдан чиқармаслигимиз лозим эди.

Айниқса, бизнинг жиддий танқидий мулоҳазамиз рус мумтоз адабиётини ёритиш масаласига бориб тақалади. Тилга олинган саккизта дарслик—мажмуадан фақат бир синф (8-синф)да улуғ адабиётнинг биргина намунаси Сергей Есенингина берилган. Албатта, бу кам. Ҳинд ва қирғиз адабиётлари эса икки синфда ўтилган бир вақтда, шундай катта адабиётнинг биргина вакили билангина чекланиш мувозанатни бузишга олиб келади. XX аср миллий қаламкашларимиз қайси адабиётдан энг кўп ўрганган, кучли таъсирига тушиб қолган, деб ҳақли саволнинг туғилиши турган гап. Шунда бизнинг кўз олдимизга биринчи навбатда рус мумтоз адабиёти келади. Биронта таниқли ёзувчимиз йўқки, у рус адабиётидан сабоқ олмаган бўлсин, унинг таъсирига тушмаган бўлсин.

Шуларни назарга олиб, ҳақиқатни юзага чиқариб, ўрта мактабнинг дарслик-мажмуаларига уч йирик арбобни, яъни А. Чехов, Л. Толстой ва М. Горькийни киритишни лозим топамиз. Чунки бу уч даҳо ўзбек миллий санъатини ривожлантиришга катта таъсир ўтказганлар.

Дарслик — мажмуаларда адиблар асарларини жойлаштиришда бир хилликдан қочиб, ранг-барангликка, ўқувчиларга кенг маълумот беришга интилиш зарурлиги ўз-ўзидан маълум. Шоирларнинг бир хил шеърлари бир мажмуадан иккинчисига кўчиб ўтган. Масалан, Ҳамзанинг «Йиғла Туркистон» асари айнан 7, 9 ва 11-синфларда берилган. Наҳотки, унинг бошқа, бу шеърдан ҳар томонлама юқори турадиган асарларини тузувчилар топа олмаганлар?

Дарслик — мажмуаларда ўрни-ўрни билан жанрлар ва хиллар тўғрисида назарий маълумот ёритилиб бориладики, булар ўқувчиларнинг адабиёт ҳақидаги билимларини қисман бўлса-да, оширишга хизмат қилиши шубҳасиздир. Уларда кўп тўғри илмий-назарий фикрлар изҳор қилиниши билан бирга, айримлари саёз ёзилган, юзаки мулоҳазалар билдиришдан нарига ўтилмаган. Булардан ташқари баёнда чалкашлик ва хато таҳлил қилинган масалалар ҳам учрайди.

Мана, трагедия (фожиа)га берилган характеристикадан бир лавҳа. «Фожиа жанри адабиётнинг драматик турига мансубдир» (8-синф, 125-бет). Аввалам бор фожиа жанр эмас. У жанрнинг ёки турнинг, яъни драманинг бир хилидир. Ёки бўлмаса сатирик ва юмористик кулгининг фарқига берилган таърифга аҳамият берайлик. «Аниқ бир шахс устидан, ундаги иллатли жиҳатлари устидан қўзғатилган кулги сатирик кулги бўлиб, иллатини ўзидан қўзғатилган кулги юмористик кулгидир» (7-синф, 161-бет).

Биринчидан, бу жуда жўн таъриф бўлишидан ташқари, сатира ва юморнинг тафовутларини аниқлаб бера олмайди. Шахсдаги «иллатли жиҳатлари устидан қўзғатилган кулги» ҳам сатирик, ҳам юмористик бўлиши мумкин. Кулгининг тури — шафқатсиз йўналишдаги маҳв этувчи кулги — сатирага тааллуқлидир. Енгил, дардли, нуқсонлар устидан кулиш — юморга бориб тақалади. Фактик хатолар ҳам йўқ эмас. Чингиз Айтматовнинг таржимаи ҳолига доир материаллар муаллифи Москвада иккита М. Горький номидаги институт мавжудлиги — бири илмий тадқиқот (жаҳон адабиёти), иккинчиси эса ўқиш институтидир. Адибимиз жаҳон институтида эмас, адабиёт олийгоҳида таҳсил кўрган (6-синф, 327-бет).

Юқорида кўрсатилган нуқсонлардан қатъи назар, дарсликлар—мажмуалар нашр қилиниб, катта иш қилинган. Булар ҳаммаси тўла маънодаги дарсликлар яратиш учун замин ҳозирлайди. Дарсликлар муҳим аҳамиятга эга бўлганлиги учун, уларнинг қисқа дастурларини ишлаб чиқиб, «Маърифат» газетасида эълон қилиб, муҳокамадан ўтказиб олинса айни муддао бўлур эди. «Ҳаёт дарслиги» бўйича ҳаққоний, объектив, адолат билан суғорилган дарсликлар ўрта мактаб ўқувчилари учун сув ва ҳаводек зарурдир.

ДАРСЛИКНИНГ МУНАВВАР ҲАЁТИ

Сир эмас, ўзбек адабиёти фанидан шу пайтга қадар нашр этилиб, ўқитилиб келинган дарслик ва мажмуалар мустабид тузум мафкураси билан бошдан-оёқ суғорилган эди. Шунинг учун ҳам мустақил Ўзбекистон тарихининг янги, мустабидлик оқаваларидан холи даври бошланганида, бу дарслик ва мажмуаларни янгилаш зарурати туғилди. Ўзбекистон Халқ таълими вазирлигининг ташаббуси билан профессор Умарали Норматов бошчилигидаги бир гуруҳ адабиётшунос ва педагоглар 5—11-синфлар учун ўзбек адабиёти бўйича нашр этиб келинган дарслик ва мажмуаларни янгилаш масъулиятини ўз зиммаларига олдилар. Бу ижодий гуруҳ 1991 йилда умумтаълим мактаблари учун (5—11-синфлар) ўзбек адабиёти дастурини ишлаб чиқди. Ўша йили «Маърифат» газетаси дастур лойиҳасини эълон қилди ва унинг муҳокамаси бошлаб юборилди. Бир неча ой давом этган муҳокамада мактаб ўқитувчилари, ёзувчилар, танқидчи ва адабиётшунослар фаол иштирок этдилар. Ўқитувчилар малакасини ошириш республика ва Тошкент шаҳар институтларида, ўқитувчиларнинг анъанавий йиғилишларида бу лойиҳа жиддий муҳокама қилинди. Республика ўқув-методик маркази муҳокамаларнинг янада самарали ўтиши учун лойиҳани китобча шаклида нашр этиб, барча шаҳар ва вилоятларга етказиб берди. Ниҳоят, бу дастур узоқ давом этган муҳокамадан кейин ИМКнинг 1992 йил 14 мартда бўлиб ўтган йиғилишида тасдиқ этилди. Айни пайтда шу марказ ўзбек адабиёти дастурининг педагогика фанлари доктори Асқар Зуннунов ва филология фанлари доктори Анвар Ҳожиаҳмедов раҳбарлигидаги ижодий гуруҳлари томонидан муқобил тарзда тайёрланган лойиҳаларини ҳам китобча шаклида чоп этиб, илм-фан ва адабиёт аҳлининг фикр-мулоҳазаларини олди. 1993 йилда эса адабиётни чуқур ўрганадиган мактаблар, мактаб-интернатлар ва лицейларнинг 5—11-синфлари учун ўзбек адабиёти дастури тайёрланиб муҳокамага қўйилди.

Шундай қилиб, еттита дарслик-мажмуа дастурнинг узоқ давом этган муҳокамасидан, бу муҳокамада билдирилган фикр-мулоҳазалар жиддий ўрганилиб, хулоса чиқарилганидан кейингина майдонга келди. Дастур яратилишидан олдин эса ҳар бир синф учун мўлжалланган дарслик ё дарслик-мажмуанинг илмий мақсади (концепцияси) ишлаб чиқилди. Аввалги дарслик ва дарслик-мажмуаларда йўл қўйилган қўпол хатолар диққат билан ўрганилди. Бу хатоларнинг аксари мустабид тузум мафкурасининг тазйиқи олдида келиб чиққан бўлиб, ўқувчиларда халқ ва унинг тарихи, тили ва маданияти, урф-одатлари ва миллий анъаналарига ҳурмат туйғусини парвариш этиш эмас, балки Ленин, Коммунистик партия ва Совет давлатига муҳаббат руҳини сингдириш ғояси дарслик ва мажмуаларда етакчилик қиларди. Янги дастурда биринчи навбатда ана шу хатони бартараф этиш чоралари кўрилди.

Ҳ. Абдусаматовнинг назарида, 5—11-синфлар учун тузилган дарслик-мажмуалар қатъий концепцияга, муайян тамойилларга эга эмас; ҳатто кўп асрлик адабиётимиз тарихи даврларга ҳам ажратилмаган. Агар мунаққид дарслик-мажмуаларни эътибор билан варақлаган бўлса, 5—8-синфлар учун тузилган дарслик-мажмуалар ўзбек адабиёти тўғрисида умумий тасаввур беришни, 9—11-синфлар учун тайёрланган мажмуалар эса миллий адабиётимиз тарихи ҳақида қатъий эстетик ва хронологик принципларга эга бўлган яхлит, изчил ва чуқур билим беришни ўз олдига мақсад қилиб қўйганини сезиши қийин эмас. Шунингдек, 5-синф учун тузилган дарслик-мажмуадаги концепция «Адабиёт—ҳаётнинг бадиий инъикоси. Оғзаки ва ёзма адабиёт. Уларнинг ўзаро муносабатлари» масалаларини ёритишга қаратилганлиги, 6-синф дарслик-мажмуасида «Бадиий адабиётда инсон образи. Инсоннинг табиат ва жамият фарзанди сифатида тасвирланиши», 7-синфда «Бадиий адабиётнинг сўз санъати эканлиги. Ҳаёт ҳодисаларини бадиий образлар воситасида тасвирлашнинг ўзига хослиги», 8-синфда эса «Давр ижтимоий муаммолари ва адабиёт. Ҳаёт ҳақиқати ва бадиий ҳақиқат» масалалари шу дарслик-мажмуаларнинг концепциясини белгилаб келганлигини билиш мумкин эди. Бу дарслик-мажмуаларнинг барчасида ўзбек адабиёти ҳақида «Халқ оғзаки ижодидан», «Ўзбек адабиёти тарихидан» ва «XX аср ўзбек адабиётидан» деган бўлимларда маълумот берилади ва бу бўлимларда ўзбек адабиёти тараққиётининг муҳим даврлари синфма-синф кузатиб борилади.

«Китоб руҳи келажакка қаратилган тақдирдагина у узоқ яшайди», деган эди Бальзак. Дарслик узоқ яшаши учун унда умуминсоний қадриятлар, ғоялар, муаммолар олға сурилган асарларгина тарғиб этилиши ва бу асарларнинг бадиий қимматини шубҳасиз бўлиши лозим. Ижодий гуруҳ дастур устида ишлар экан, ўз эътиборини даставвал шу нарсага қаратди.

Мунаққид ўз мақоласида XX аср ўзбек адабиёти намояндаларини ҳақли равишда икки гуруҳга — Совет ҳокимияти ва Коммунистик партияга ўз ижоди билан астойдил хизмат қилган ва хизмат қилмаган ёзувчиларга ажратади. Унинг ўзбек ёзувчиларини бундай гуруҳлаштиришида маъно йўқ эмас. Совет мафкурасига астойдил хизмат қилган аксар ёзувчилар ўз асарларида синфийлик, партиявийлик ғоявийлик, ҳаётни социалистик тараққиётда кўрсатиш қабилидаги социалистик реализм методи талабларига итоат этиш истагида ҳаёт ҳақиқатидан ҳам, бадиийлик мезонларидан ҳам чекинганлари сир эмас. Ҳ. Абдусаматов ўзбек халқи ҳаётида мутлақо бошқа бир давр бошланганини, эски андозалар ўз қимматини йўқотганини эътиборга олмай, яна аввалгидек фикр юритишда давом этади. У «Совет ҳокимиятига, Коммунистик партияга хизмат қилган, деган баҳона билан йирик, талантли, барча жанрларда ажойиб, бақувват асарлар ёзган шоиру ёзувчини, драматургу адабиётшуносларни камситишга, улар ижодига маломат тошларини отишга, ҳатто уларни адабиёт тарихидан ўчириб ташлашга уринмоқдамиз», деб гинахонлик қилади. Хўш қани ўша советларга хизмат қилган, лекин йирик, талантли, барча жанрларда ажойиб, бақувват асарлар ёзган ёзувчилар?!..

Мунаққид ўз фикрида давом этиб, яна дейди: «Шундай бўлиб қоляптики, қамалганлар, чет элга қочганлар ҳаммаси софдил, озодлик учун курашган, ҳақиқий, истеъдодли қаламкашлару даҳшатли даврдан омон-эсон қутулиб қолган адибларни ёмон отлиққа чиқариш, уларни ҳаттоки сотқинлар,- деб айблаш ҳоллари учраб туради». Хўш, чет элга ким, қайси ёзувчимиз қочибди? Ким бундай ёзувчини софдил, озодлик учун курашган, ҳақиқий ёзувчи деб атамоқда? Бундай фактнинг ўзи йўқ-ку, ахир!...

Ҳамма гап шундаки, даҳшатли даврдан омон-эсон қутулиб қолган ёзувчиларни ҳам иккига ажратиш лозим. Уларнинг бир қисми ҳар қандай тазйиққа, таъқибга зўравонликка, қарамай, ёзувчи номини покиза сақлаб қолди. Бошқа бир қисми эса яқин-яқингача Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат сингари қатағон этилган ёзувчиларни адабиёт майдонига яқинлаштирмади.

Ҳ. Абдусаматовни безовта қилган нарса Чўлпону Фитратларнинг янги дарслик-мажмуалардан ўрин олиши ҳам, Ҳамза, Ойбек, Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Абдулла Қаҳҳор сингари ёзувчиларнинг бу дарслик-мажмуаларда эгаллаган мавқеи ҳам эмас. Уни таажжубга солган нарса «баъзи атоқли қаламкашларимиз»нинг деярли ёки бутунлай четлаб ўтилганлигидир. «Биз,— дейди у масаланинг моҳиятига кўчиб,— айниқса Муҳаммадшариф Сўфизода, Комил Яшин ва Уйғунларни назарда тутамиз. Буларсиз XX аср ўзбек адабиётини кўз олдимизга келтира олмаймиз, тасаввур ҳам эта олмаймиз». Мунаққид дарслик-мажмуадаги бу «асосий хато»ни бўрттириб кўрсатиш ниятида, «Ахир, талабалар Ўзбекистоннинг биринчи «халқ шоири» унвонини ким олган, «Байрам нашидалари» лирик поэмасини, айниқса, риёкорларни тилка-пора қиладиган ўткир, бақувват ҳажвий шеърларни янги даврда биринчилардан бўлиб яратган ким, деб сўраса, нима деб жавоб берамиз? М. Сўфизода XX аср адабиётимизда янги йўл очган, бадиий кашфиётлар қилган атоқли шоир-ку!» деб ёзади мақолада. Аввало, шуни қайд этиш керакки, дастур муаллифлари ўз олдиларига ҳар бир мактаб ўқувчисидан адабиётшуносни тайёрлаб етиштириш эмас, балки минг йиллик ўзбек адабиёти ва унинг пешқадам сиймолари тўғрисида умумий тасаввур бериш вазифасини қўйганлар, холос. Кимки бу соҳадаги билимини бойитиш йўлидан бормоқчи бўлса, у ўрта мактабни тугатгач, олий ўқув юртларининг филология факультетларида ўз билимининг кемтик жойларини тўлдириши мумкин. Иккинчидан, агар яна ижодкорнинг халқ шоири ва халқ ёзувчиси эканлигига қараб, унга дарслик-мажмуалардан жой ажратилса, бу унвонларни тақсим қилган совет сиёсий тузумининг измига тушиб қолиш ҳеч гап эмас. Абдулла Қодирий, Чўлпон ва Фитрат сингари XX аср адабиёти чўққилари турганида, Совет ҳукумати нега Сўфизода билан Ҳамзага халқ шоири ва халқ ёзувчиси унвонларини берган? Масаланинг бу томонини ҳам ўйлаб кўриш керак эмасмикан? Қолаверса, Сўфизода ижодида «Байрам нашидалари» деган лирик поэма йўқ-ку! Умуман, Сўфизоданинг бизга етиб келган асарларини бадиий кашфиёт деб аташ, унинг ўзини эса XX аср адабиётимизда янги йўл очган, деб айтиш тўғри бўлармикан?

Тўғри, Ҳ. Абдусаматовнинг асл нияти Сўфизода орқасида турган икки ёзувчининг дарслик-мажмуалардан муносиб ўрин олмай қолганидан норозилигини билдиришдир. Эҳтимол, унинг изтироб чекаётганида жон бордир. Ҳар ҳолда, бу икки ёзувчи ўз вақтида совет даври ўзбек адабиётининг классиклари саналган. Лекин инсоф билан айтганда, на «Генерал Раҳимов», на «Гулсара», на «Нурхон», на «Номус ва муҳаббат» пьесаларини на, Ҳамза ҳақидаги драма, либретто, сценарийларни бугун «дурдона» деб баҳолаш мумкинмикан? «Мустақиллик табиати» ўқувчиларнинг бу ва шунга ўхшаш асарлар тўғрисида «тўла билим»га эга бўлишларини наҳотки тақозо этса?!

Мунаққид шунингдек, у Усмон Носир асарларининг уч синфда, Эркин Воҳидов ва Абдулла Орипов ижодининг тўрт синфда, Одил Ёқубов ва Пиримқул Қодиров асарларининг уч синфда ўтилиши билан ҳам келиша олмайди. У Усмон Носир асарларининг ўрганилишини бир ёки икки синфга қисқартиришни, А. Орипов ва Э. Воҳидов ижодини икки синфга жойлашни, қолган икки носирнинг асарларини ўтишни ҳам ихчамлаштиришни таклиф этади. XX аср адабиёти бўйича «пайдо бўлган рўйхат»ни ҳам қайта кўриб чиқишни тавсия қилади.

Юқорида баён қилинган фикрлар Уйғун ва Яшин ижодини адабиёт тарихидан чиқариб ташлаш лозимлигини англатмайди. Улар ижоди олий ўқув юртларида, албатта, ўтилади. Эҳтимол, янги дарслик-мажмуаларнинг кейинги нашрларида бу ёзувчиларнинг ҳам, бошқа эътибордан четда қолган ижод аҳлининг ҳам бисотидан намуналар берилар.

Ҳ. Абдусаматов бу икки ёзувчинингина эмас, Рамз Бобожон, Ҳамид Ғулом, Қуддус Муҳаммадий сингари ижодкорларнинг ҳам четлаб ўтилганидан ўкинади. У Қуддус Муҳаммадийнинг болалар шоири сифатида 1—4-синфларда ўтилишини, бошқа қатор шоир ва ёзувчилар ижодидан намуналарнинг ҳам шу синфлар учун тузилажак мажмуаларда берилишини эътиборга олмайди. Айниқса, «Оби-ҳаёт» достони муаллифи Рамз Бобожоннинг мактаб дастуридан ўрин олмай қолгани унга адолатсизликнинг яна бир намунаси бўлиб туюлади. Шароф Рашидов номининг мактаб дарсликларидан «ғойиб бўлиб кетгани», XX аср адабиёти намуналарининг 7-синфда Ҳамзадан, 6-синфда Абдулла Қодирийдан, 8-синфда Ойбекдан, 11-синфда эса Беҳбудийдан бошланганини у мантиқсизлик ёки масъулиятсизликка йўяди. «Олдин Ҳамзами ёки Абдулла Авлоний берилиши керакми?— деб ёзади мунаққид.— Масаланинг моҳияти қаламкашнинг олдин туғилгани ёки кўп яшагани устида эмас. Энг асосий масала адиб қолдирган адабий мероснинг салмоғи ва савиясидадир. Шу жиҳатдан қарасак, Ҳамза ҳамкасбидан анча юқори туради. Шундай экан, янги давр адабиётини Ҳамзадан бошламоқ адолатдан бўлар эди».

Янги дарслик-мажмуалардан қардош халқлар ва жаҳон адабиётининг бир қанча намояндаларига ҳам ўрин олган. Ўзбек мактабларида рус тили ва адабиёти асосий фанлардан бири бўлгани ва Ҳ. Абдусаматов тилга олган рус ёзувчилари шу дарсларда ўтилиши сабабли улар мазкур дарслик-мажмуаларга киритилмади. Тузувчилар асарлари ўзбек тилига моҳирлик билан ўгирилган ва ижоди Шарқ шеърияти тароналари билан йўғрилган С. Есениннингина истисно деб билдилар. Ўйлаймизки, уларнинг бундай қарорга келишларида жон бор.

Мунаққид ўзи билгани XX аср адабиёти масалалари билан қизиқибгина қолмай, мумтоз адабиётнинг умумтаълим мактабларида ўтилиши билан боғлиқ фикрларни ҳам ўртага ташлаган. Бу фикрларнинг қанчалик қимматли эканини билмаймиз-у унинг Алишер Навоий ижодининг олти синфда мунтасил ўрганилишидан ташвишга тушгани бизни, айниқса, ажаблантиради. «Бошқа мамлакатларнинг адабиёт дастурларида ҳеч қайси бир улуғ зот етти дарсликдан олтитасида ифода этилмаган», деб ҳатто Навоийнинг изчил ўрганилишидан мамнун эмаслигини изҳор қилади у.

Камина янги дарслик-мажмуалар аъло даражада бажарилган, деган фикрдан узоқман. Ҳали бу қўлланмаларни юксак савияга кўтариш, улардаги катта-кичик нуқсонларни бартараф этиш учун мактаб аҳли билан биргаликда мунтазам ишлаб бориш лозим. Лекин бўлажак ишлар янги миллий тафаккур, янги маданий тараққиёт даври талабларидан келиб чиқиши ва совет мафкурасининг пўпанак босган ақидаларидан четда кетиши зарур.

Ушбу мақолада камина Ҳ. Абдусаматовнинг бошқа мулоҳазаларига ҳам жавоб беришим мумкин эди. Лекин ҳурматли муштарийлар бунга ҳожат йўқлигини сезган бўлсалар ажаб эмас. Зеро, масалан, фожиа (трагедия)нинг драматик турга мансуб жанр эканлиги ҳаммага маълум.

Алишер Навоий ўз танбеҳларининг бирида «Агар сўз гўзаллик зийнати билан безалмаган бўлса, унга чинлик безаги етарлидир!» деган эди. Навоий айтмоқчи гўзаллик ва чинлик бадиий асар олдига қўйиладиган асосий талабдир. Агар ўзбек адабиёти дарслик-мажмуаларида гўзаллик ва чинлик зийнати билан безалган асарлар тарғиб қилинса, бу дарслик-мажмуалар ҳаёти, албатта, мунаввар бўлади.

Биз тилга олган дарслик-мажмуалар мустақиллик даври шарофати билан майдонга келган. Умид қиламизки, улар йилдан-йилга сайқал топа бориб, мустақил ва ҳур юртимизнинг келажаги бўлган ёш авлодни тарбиялаш ишига ўз ҳиссасини қўшади.

Наим КАРИМОВ,
янги дарсликлар муаллифлари гуруҳининг аъзоси.

ҚУТЛАЙМИЗ!

Ҳурматли Анафия ЎТАШЕВА!

Умрингизнинг 33 йилини ёш авлод таълим-тарбиясига бағишлаб, жамоамизнинг ҳурмат-эътиборини қозондингиз. Ота-оналар Сизни ўз фарзандларининг устози сифатида эъзозлашади.

Сизни таваллудингизнинг 50 йиллиги билан чин қалбдан муборакбод этиб, узоқ умр, педагогик фаолиятингизда улкан ютуқлар, оилавий бахт тилаймиз!

Бўка туманидаги 44-мактаб жамоаси.

Қадрли Комил ЭШМИРЗАЕВ!

Сизни ишчан педагог ва Қўшработ туманидаги 18-мактаб директори сифатида жамоа аъзолари, ота-оналар, шогирдларингиз ҳурмат билан тилга олишади. Сизни таваллуд топган кунингиз билан чин дилдан қутлаб, сиҳат-саломатлик, узоқ умр, бахт-саодат тилайман!

Укангиз Луқмон НАМОЗОВ.

Ҳурматли Ғайрат ЁМҒИРОВ!

Бир неча йилдан буён Касби туманидаги Т. Мирзаёров номидаги мактабда ёшларга сабоқ бериб келасиз.

Азиз дадажон, туғилган кунингиз ҳамда баҳор айёми билан Сизни муборакбод этамиз. Бахтимизга доимо омон бўлинг!

Фарзандларингиз: Ҳакимжон, Шириной, Беҳзоджон, рафиқангиз Рисолат, укангиз Наврўзжон!

Ҳурматли Баҳодир РАҲМОНОВ!

Қашқадарё вилояти Чироқчи туманидаги 90-ўрта мактабда Сиздан таълим олган ўқувчиларингиз фанлар бўйича вилоят ва республика олимпиадаларида совринли ўринларни қўлга киритмоқда. Бу ўз касбингизнинг чинакам билимдони эканлигингиздан далолат.

Сиз муҳтарам устозимизни туғилган кунингиз билан қутлаб, Сизга сиҳат-саломатлик, узоқ умр тилаймиз.

Тошкент шаҳрида таҳсил олаётган бир гуруҳ шогирдларингиз.

Қадрли Холмирза ака ШАКАРОВ!

Умрингизнинг қарийб 20 йилини ўқитувчилик касбига бағишладингиз. Иштихон туманидаги 13-ҳунар-техника билим юрти директорининг ўринбосари сифатида ишчи мутахассислар етказиб беришга муносиб ҳисса қўшдингиз.

Сиз, азиз акамизни туғилган кунингиз билан самимий қутлаб, сиҳат-саломатлик ва оилавий бахт тилаб қоламиз.

Укаларингиз Мирзабой ва Зафарбой.

Ҳурматли онажонимиз ИПАК НИШОН қизи!

Сизни қутлуғ 75 ёшингиз билан чин юракдан муборакбод этамиз. Доимо ўн нафар фарзандингизга, невара-чевараларингизга бош бўлиб юринг.

Қўшработ туманидаги 28-мактаб ўқитувчиси, ўғлингиз Абдумўмин РАҲИМОВ.

МЕҲР МАСКАНИ

Уруш ҳар бир ўзбек оиласида мудҳиш из қолдирди. Жумҳуриятимизда уруш туфайли етим қолган болаларнинг бошини силаб, уларнинг келажакда етук кишилар бўлиб камол топишлари мақсадида турли мактаб-интернатлар очилди. Шулар қатори бизнинг мактаб-интернат ҳам фаолият кўрсата бошлади. Унда ҳозир асосан мусиқага ҳавасманд болалар, кўп болали оилаларнинг фарзандлари, етим қолган болалар таълим-тарбия олишяпти.

Шу кунларда мактаб-интернатимизда 13 гуруҳ иш олиб бормоқда. Бу гуруҳларда лаёқатли болалар моҳир педагоглардан кларнет, най, трамбон ва бошқа мусиқа асбобларини чалиш сирларини ўрганмоқдалар. Мактаб-интернат болаларга у ёки бу мусиқа асбобини чалишни ўргатиш билан бирга, ўрта мактабни битирганликлари ҳақида ҳам гувоҳнома (аттестат) беради.

Мактаб-интернатни битирганлардан кўпчилиги консерватория, Тошкент маданият институти, Қўқон педагогика институти ва бошқа мусиқа мактабларига кириб таҳсилни давом эттиришяпти. Улар орасидан турли ансамбль ва оркестрларда фаолият кўрсатаётганлар ҳам бор. Болаларнинг мусиқа сирларини пухта ўзлаштиришларида мактабда ташкил қилинган вокал-чолғу ансамбли катта аҳамият касб этмоқда. Ансамбль раҳбари шу мактаб-интернатда тарбия топган, эндиликда эса машҳур бастакор М. Бафоев, шунингдек, Х. Аролова, Д. Фармонова, А. Автандилов, М. Леонтев каби моҳир ва тажрибали педагоглар болаларга мусиқа сирларини ўзлаштириш, куй ва оҳангларни ижро этиш маҳоратини сидқидилдан ўргатиб келмоқда. М. Бафоев раҳбарлигидаги болалар ансамбли шаҳримизда ўтказилаётган барча тадбирларда фаол иштирок этиб, кўпчилик олқишига сазовор бўлмоқда.

Мактабда 217 нафар бола у ёки бу мусиқа асбобини чалиш сирларини ўрганмоқда. Биз аълочи ўқувчилар учун махсус стипендия ҳам тайинлаганмиз. Б. Рўзиқулов, М. Мансуров ва бошқа аълочи ўқувчиларимиз кўпдан бери бундай стипендияни олмоқдалар.

Яқинда мактаб-интернатимиз ўзининг эллик йиллик тўйини нишонлайди. Шу муносабат билан мактабимизни турли йилларда битириб чиққан шогирдларни тилга олишни лозим топдим. Булар бастакор Г. Холиқов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоблари З. Ҳақназаров, Э. Солиҳов, консерватория профессори В. Пўлатов, доцент В. Веричин, бастакор, эстрада — симфоник оркестрнинг раҳбари А. Назаров, Москвада катта оркестрни бошқариб келаётган М. Муҳиддиновлардир. Жамоамиз улар билан фахрланади.

Мен мактаб-интернатни меҳр маскани дегим келади. Зеро, жамоамиз тарбиячилари болаларга илм-фан ва мусиқа сирларини ўргатиш билан бирга, уларда меҳр-оқибат, одамийлик, кишини қадрлай билиш, ахлоқу одоб, ота-она ва катталарнинг ҳурматини жойига қўйишдек инсониятнинг энг яхши ва пок удумларини ҳам ўргатиб бормоқдалар.

Мактаб-интернат муаллимлари мустақил Ўзбекистонни васф этувчи созанда, бастакор ва мусиқачиларни тарбиялашдек шарафли вазифани юракдан ҳис этиб, бу йўлда куч ғайратларини аямай меҳнат қилишяпти. Бу эса, жумҳуриятимиз раҳбарларининг бизга нисбатан қилаётган чексиз ғамхўрликларига амалий жавобимиз бўлади.

Машкура КАРИМОВА,
генерал И. Петров номли жумҳурият мусиқа тарбия мактаб-интернатининг директори.

ЎҚИТУВЧИ-МУСАВВИР ХАНДАЛАРИ

Шунақаси ҳам бўлади.
Б. ҲАСАНОВ чизган сурат.

Ўқитувчи:
— Катталарнинг айтганини қил, қилганини қилма!
М. БЕГМАТОВ чизган сурат.

— Етиб ухланглар, «учар тарелка» келди.
В. АБДУЛЛАЕВ чизган сурат.

БОЛАЛАР СЎЗЛАГАНДА

— Бувижон, ширин конфет ейсизми? — сўради Феруза.
— Раҳмат, оппоғим, егим келмаяпти.
Бироздан кейин у деди:
— Бувижон, ундай бўлса мендан сўрамайсизми?

●

Беш яшар Рустамжон ойисига:
— Кучугим ботинкамни ғажиб ташлабди, — деди.
— Ундай бўлса уни жазолаш керак, — деди ойиси.
— Мен шундай қилдим, унинг идишидаги сутни ичиб қўйдим.

●

Олти яшар Хуршид ҳайвонот боғида товусни кўриб, деди:
— Бу қушни рангли телевизор учун атайлаб ўстиришган бўлишса керак-а, адажон?!

●

Шуҳрат шимини ифлос қилганлигини кўрган бувиси:
— Сени нима қилса бўлади, ахир! Ҳозиргина кийган шиминг билан полнинг чангини артиб қўйибсанку!
— Бунинг учун «раҳмат» демайсизми, бувижон!

● *«Давлат тили тўғрисида»ги қонунни амалга оширамиз*

ТАНЛОВГА МАРҲАМАТ!

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили тўғрисида»ги ва «Таълим тўғрисида»ги қонунларининг қабул қилиниши муносабати билан таълим рус тилида олиб бориладиган барча олий ва ўрта ўқув юртларида, умумтаълим мактабларида ўзбек тили ўқитишга катта эътибор билан қарала бошланди.

Ўзбекистон мустақиллиги, давр талаблари ва эҳтиёжлари, таълимнинг мақсадлари кун тартибига Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги барча таълим муассасалари учун замонавий, миллий хусусиятларни ўзида мужассамлаштирган, такомиллаштирилган янги ўқув-методик адабиётлар, дарсликлар, дастурлар яратиш каби муҳим вазифаларни қўйди. Ҳозирги пайтда бу долзарб вазифаларни адо этиш масалалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Халқ таълими вазирлиги ва Республика ўқув-методика марказининг доимий назоратида турибди.

Республикамизда таълим рус тилида олиб бориладиган олий ва ўрта махсус ўқув юртларида, педагогика билим юртларида умумтаълим мактабларида ўзбек тили ва адабиётини ўқитишни такомиллаштиришга, русий забон фуқароларни ўзбек халқининг бой ва ранг-баранг миллий маданияти билан таништириш ишларини жадаллаштиришга катта аҳамият берилмоқда. Бу соҳада анчагина ижобий ўзгаришлар содир бўлаётир. Таълим рус тилида олиб бориладиган умумтаълим мактабларида ўзбек тили дарс соатлари кўпайтирилди. Амалда қўлланиб келинаётган «Ўзбек тили» дарсликларининг бир қисми тўлдирилган ҳолда қайтадан нашр қилинди. IV ва V синфлар учун янги дарсликлар чоп этилди.

Таълим рус тилида олиб бориладиган синф (гуруҳ)ларда ўзбек тили ва адабиётини ўқитиш концепцияси яратилди ва ИМКда тасдиқланди. Бу ишлар билан бир қаторда ўзбекча-русча сўзлашгичлар, луғатлар яратилди ва яратилмоқда. Чунончи, 1992 йилда Н. Маҳмудов, Б. Тўхлиевларнинг «Ўзбекча гапирамиз» қўлланмаси, А. Рафиев ва бошқаларнинг ўрта махсус ўқув юртларининг рус гуруҳлари учун ўзбек тили бўйича дастури, Н. Маҳмудовнинг «Ўзбек тилини ўрганамиз» (расмли луғат) қўлланмаси ва бошқалар нашрдан чиқди.

Ҳақиқатан ҳам ўзбек тилини ўрганиш, ўқитиш ва ўзлаштириш борасида кенг кўламли ишлар қилиняпти. Бироқ ҳозирги кун талаб ва эҳтиёжлари амалдаги дастур ва дарсликларни нафақат такомиллаштириш, балки тубдан ва мазмунан янгилаш вазифасини қўймоқда. Ана шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Давлат тили тўғрисидаги Қонунни амалга ошириш комиссиясининг 1993 йил 1 июлдаги Қарорини бажариш» ҳақидаги буйруғига асосан «Маърифат» газетасининг 1993 йил 10 октябрь сонида «Таълим-тарбия рус тилида олиб бориладиган мактаблар, мактабгача тарбия ва мактабдан ташқари болалар муассасалари учун Давлат тилини чуқурлаштириб ўрганиш бўйича дастурлар, дарсликлар ва қўлланмаларни, ўзбек тилига жадал ўргатиш методикасини яратиш бўйича очиқ танлов» эълон қилинди.

Танловдан асосий мақсад Республикадаги русий забон аҳолининг Давлат тилини эгаллашлари учун янада кўпрок имконият яратиш, шу муносабат билан мактаблар, мактабгача тарбия ва мактабдан ташқари муассасалардаги ўзбек тили таълимини янада яхшилаш ва такомиллаштириш, улар учун янги дастур, дарслик ва бошқа ўқув қўлланмалари яратиш, Давлат тилини жадаллаштириб ўргатишнинг зарур методикасини тезкорлик билан ишлаб чиқиш, бу муҳим ишда шу соҳа мутахассисларининг фаол иштирок этишларини таъминлаш ва уларни рағбатлантиришдан иборат.

Республикамизнинг таълим-тарбия рус тилида олиб бориладиган барча муассасаларида меҳнат қилаётган жонкуяр мутахассисларимиз ўз дастурлари, дарсликлари, қўлланмалари билан танловда фаол иштирок этадилар, деган умиддамиз.

Яна бир бор эслатиб ўтамиз. Танловга юборилган дастур, дарслик ва қўлланмалар Республика ўқув-методика марказига топширилиши лозим.

Ширин АҲМЕДОВА,
Республика ўқув-методика маркази ўзбек тили ва адабиёти бўлими методисти.

«МАЪРИФАТ» ХАБАРЛАРИ

САРЧАШМА

Буюк муҳаддис имом Исмоил ал-Бухорий қолдирган мерос эзгуликка бошловчи, ўзлигимизни танитувчи бебаҳо сарчашмадир. Улуғ олим тўплаган ҳадислар ёшларни имон-эътиқодли, халқ ва ватанга садоқатли кишилар қилиб тарбиялашда катта аҳамиятга эгадир. Бахмал тумани Халқ таълими бўлими ўтказган «Буюк олим мероси — тарбия манбаи» мавзуидаги илмий-амалий анжуманда ана шундай фикрлар айтилди.

Анжуманни туман халқ таълими бўлими мудири С. Мирзабеков кириш сўзи билан очди. Туман халқ таълими бўлими методисти О. Қодирова «Имом Исмоил ал-Бухорий ҳаёти ва ижодий фаолияти» мавзуида маъруза қилди. Сўзга чиққанлар таълим ва тарбия жараёнида ҳадислардан кенг фойдаланиш, шу мақсадга қаратилган тадбирларни ўтказиш усуллари тўғрисида фикр алмашдилар. Туман марказидаги иқтидорли ўқувчилар мактаби талаба қизлари ёд ўқиган ҳадислардан намуналар анжуманга янада файз киритди.

Абдулла ЭРГАШЕВ.

МЕҲР УЙҒОТИБ

Боғчамизда гуруҳлар рус болаларидан ташкил топган. Биз ҳам ҳамманинг кўнглига қувонч олиб келган Наврўз байрамини зўр тантана билан кутиб олдик.

Тарбияланувчиларнинг ўзбек тилида айтган шўх-шодон лапарлари, ижро этган нафис рақслари меҳмонлар кайфиятини кўтарди. Шунингдек, жажжилар буғдой майсасини ундириш, ундан сумалак тайёрлаш каби юмушларни қандай бажариш кераклигини намойиш этишди.

Масканимизда таълим-тарбия рус тилида олиб борилишига қарамасдан биз болаларга миллий урф-одатларимиз, удумларимиз ҳақида ҳам тушунча бериб борапмиз. Бу, албатта, ёшларда туғилган жойига, қолаверса, Ватанига меҳр-муҳаббат туйғуларини шакллантиради.

Холида ХАЛИЛОВА,
Сирғали туманидаги 305-болалар боғчаси тарбиячиси.

САНЪАТГА ОШНОЛИК

Ҳамза тумани умумтаълим мактаблари ва мактабдан ташқари муассасалар бадиий жамоаларининг «Илҳом чашмалари — 94» шаҳар танлови ўқувчиларнинг Ўзбекистон Давлат мадҳиясини ижро этиши билан очилди.

282-мактабнинг 22 нафар ёш доирачилари ижро этган «Довул» рақс ўйини гўё бутун борлиқни қувончга буркагандек эди.

«Илҳом чашмалари—94» танловида 61, 69, 161, 165, 206, 282-мактаблар болалар хорининг ижро этган «Бахтли болалик», «Даврамизга келинг», «Ойижонимга раҳмат», «Ассалому алайкум», «Жон Ўзбекистон», «Гўзал Фарғона» қўшиқлари томошабинларни хушнуд этди. 282-мактаб 5-синф ўқувчиси Ж. Рўзиев ва 4-синф ўқувчиси М. Абдулина ижро этган «Навоий бобо», «Мен ҳали ёшманми?» қўшиқлари ва 9-синф ўқувчиси М. Мирзаева ижро этган «Атлас кўйлак» яллаиси тилининг соддалиги, овозларининг ширадорлиги ва ўйиннинг миллийлиги дилларга ҳаяжон солди.

— Бу йилги «Илҳом чашмалари—94» танловининг ўтган йилгисидан фарқи,— дейди биз билан суҳбатда туман халқ таълими бўлими мудири Ислом Зокиров. Ўзбек халқ қўшиқ ва лапарлари, термалари, шунингдек, оилавий санъаткорларга эътиборнинг кўпроқ қаратилганидадир.

Ҳақиқатан ҳам биз бунга 61, 67, 230 ва 30-мактаб ёш санъаткорларининг чиқишларидан ишонч ҳосил қилдик. Фурқатнинг «Фиғонким» ғазали билан айтиладиган қўшиғини кимлар эшитмаган, уни куйлашни ҳавас қилмаган дейсиз? Чунки ҳоким гуруҳлар, уларнинг фитна ва иғволари шоирни ўз Ватанини ташлаб чиқиб кетишга мажбур этади. Шоирнинг одамлар ўртасидаги бевафоликдан, ўзининг чексиз ғамандуҳ, аламлар ичида яшашга мажбур бўлиб, дўстбиродарларидан узоқда эканлигидан нолишини 231-мактаб 7-синф ўқувчиси Дониёр Зокиров маромига етказиб ижро этганда зал ларзага келгандай бўлди. Томошабинлар узоқ вақт ёш қўшиқчини олқишлади.

Биз Ҳамза туман «Илҳом чашмалари—94» танлови ёш санъаткорларининг куй ва қўшиқ, рақс ўйинларини кўриб қайтар эканмиз, ўқувчилар орасидан билим ва савияси юксак, санъатга қизиқувчи иқтидорли ёшлар етишиб чиқаётганидан мамнун бўлдик. «Илҳом чашмалари—94» танловида тумандаги 282- 161, 30, 61, 227 ва 230-мактаблар ва авиасозлар маданият саройининг хор ва якка ижрочилар жамоалари фаол иштирок этишди.

Қ. ТУЛАБОЕВ.

ЭШИТМАДИМ, ДЕМАНГЛАР!

Ўзбекистон — Туркия Тошкент ўғил болалар лицейи билимга ташна, одобга ошна йигитларни ўқишга таклиф этади.

Лицейда ўқиш истагини билдирган, 8-синфни битирган ўғил болалар 15-апрелгача 2 та (3/4) ўлчамдаги фотосурат, туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома ва 8-синф табелини лицей қабул ҳайъатига топширишлари керак.

Имтиҳон 17 апрель соат 8.30 да тест саволлари асосида ўтказилади. Тест саволлари математика, физика, кимё, она тили, тарих, жўғрофия, биология фанлари бўйича 7—8-синф дастурлари асосида тузилган.

Синовлардан муваффақиятли ўтган йигитлар лицейга қабул қилинадилар. Ўқишлар ўзбек, турк, инглиз тилларида олиб борилади. Лицейда ўқиш давомида яхши натижаларга эришганлар Туркия ва бошқа мамлакатлар олий ўқув юртларига ўқишга юбориладилар.

ЛИЦЕЙИМИЗГА МАРҲАМАТ!

Манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани Султонали Машҳадий кўчаси, 133-уй. (307-мактаб биноси). 16, 21, 30-автобусларнинг «Шампан заводи» бекати. ТЕЛ. 68-12-57, 68-58-26.

НАВРЎЗ ШОДИЁНАСИ

Пойтахтимизнинг Акмал Икромов туманидаги 229-мактабда Наврўз байрами ҳар йилдагидан кўра жозибали ва тароватли бўлди. Эрта тонгдан бошлаб қувноқ музика ва қўшиқлар янгради.

Байрамга бағишланган кечани мактаб директори Розахон Қурбонбоева очиб, йиғилганларни шодиёна кун билан табриклади.

Бадиий ҳаваскорлик тўгараги раҳбари Тамарахон Носирова етакчилигидаги халқ фольклор ансамбли тайёрлаган миллий ашула, лапарлар янгради, интермедиялар, халқимизнинг миллий расм-русумларига оид лавҳалар йиғилганларда чуқур таассурот қолдирди.

А. ҲАЙДАРОВ.

● *Спорт*

ҲАРБИЙ МАҲОРАТ КЎРИГИ

Тошкент шаҳридаги ўқувчиларни ҳарбий касбларга йўналтириш бўйича республика лицейида Наврўз байрами кунлари I республика ватанпарвар спорт мусобақаси бўлиб ўтди.

Ҳарбий маҳорат танловини Ўзбекистон халқ таълими вазирининг муовини Х. Ф. Масъудов кириш сўзи билан очиб, мусобақа иштирокчилари ва уларнинг ота-оналари, маҳалла фаолларини баҳор байрами — Наврўз билан табриклади.

Мусобақада 4 та команда, яъни Тошкент, Самарқанд, Хоразм ва Фарғона вилоятлари ҳарбий лицейлари тарбияланувчилари ҳарбийча кураш, турникда тортилиш, тош кўтариш, югуриш, арқон тортиш, якка ҳарбий саф тайёргарлиги сингари спорт турлари бўйича ўзаро куч синашди.

Қизиқарли ўтган мазкур беллашувда «Тошкент» командаси фахрли I ўринни эгаллади. «Самарқанд» командаси II, «Урганч» командаси III ва «Фарғона» командаси IV ўринни қўлга киритдилар. Шахсий биринчилик учун бўлган мусобақада эса тош кўтариш бўйича самарқандлик Жаҳонгир Пўлатов, 3000 метрга югуриш бўйича тошкентлик Павел Татаринцев ва турникда тортиниш бўйича самарқандлик Альберт Абдюшев ғолибликни қўлга киритдилар.

Ҳарбий маҳорат кўрик-танловида ғолиб чиққан командалар ва шахсий биринчиликни қўлга киритган лицей тарбияланувчиларига эсдалик совғалари топширилди.

Мухбиримиз.

·ЎЗБЕКҚОҒОЗИ· ·ЎЗБУМ·

ТОШКЕНТ ШАҲРИ МАКТАБЛАРИНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«Ўзбек қоғози» ижара корхонаси сизларга ўзаро манфаатли алоқа ўрнатишни таклиф қилади.

«Ўзбек қоғози» ижара корхонаси ҳар бир тонна топширилган макулатура учун 65 минг сўм-купон нақд пул ёки 131 минг сўм-купонгача пул ўтказиш йўли билан ҳақ тўлайди.

Топширилган макулатурага ўқувчи, умумий ва расм дафтарларини бозор нархидан арзон нархда айирбошлаймиз.

Ўз вақтида макулатурани мактабдан олиб чиқиб кетишни таъминлаймиз.

Мурожаат учун: телефон 91-61-31.

Бизнинг манзилгоҳ: 700005, Тошкент шаҳри, Фарғона йўли, 23 (авт. 5 «Шумилов шаҳарчаси).

«Маърифат» газетаси жамоаси «Овози тожик» газетасининг бош муҳаррири Шавкат Ниёзовга онаси

Раиса РАҲМОНҚУЛОВА

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

«Мактабгача тарбия» журнали жамоаси журнал таҳрир ҳайъати аъзоси, адиб, журналист, фольклоршунос олим

Ғани ЖАҲОНГИРОВ

вафот этганини билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти жамоаси бошланғич таълим методикаси кафедраси ўқитувчиси О. Раҳимовга отаси

РИМБОЙ бува

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти ректорати, табиийёт-жуғрофия факультети жамоаси кимё кафедрасининг доценти Б. Қораболаевга рафиқаси

Саврихон АБДУЛЛАЕВА

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

«МАЪРИФАТ»

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир Саъдулла ҲАКИМ.

Таҳрир ҳайъати: Умида АБДУАЗИМОВА (бош муҳаррир ўринбосари, илова учун масъул), Ашурали АҲМЕДОВ, Алишер КАРИМОВ, Ғафур МАННОПОВ, Абдулла ОРИПОВ, Тотлимурод ОТАМУРОДОВ, Абдусамат РАҲИМОВ (масъул котиб), Маҳкам РАҲМОНОВ, Маҳмуд САИДАҲМЕДОВ, Баҳром ҚОДИРОВ, Бегали ҚОСИМОВ, Абдунаби ҲАЙДАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
Факт ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР; масъул котиб — 32-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-55-58.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Навбатчилар: Абдусами Ҳақбердиев, Шарофат Норқулова.

ИНДЕКС: 64595. Буюртма Г.—859. 91934 нусхада босилди, ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 Босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 20.00. 1 2 3 4 5 6.